Тошкент ҳақиқати

№ 166 (10.415).

1992 йил 3 декабрь пайшанба

Баҳоси 3 сўм.

1928 ЙИЛ 11 ДЕКАБРДАН НАШР ЭТИЛМОҚДА.

Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси

СЕШАНБА, ПАЙШАНБА ВА ШАНБА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ТРАНСПОРТ ҚУРИЛИШИ КОРХОНАЛАРИНИ БОШҚАРИШ ТИЗИМИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ТЎҒРИСИДА

Республика ҳудудида жойлашган транспорт қурилиши корхоналарини бошқариш тизилмасини янада такомиллаштириш, уларнинг Ўзбекистон халқ хўжалиги ишлаб чиқариш тармоқлари мажмуини ривожлантиришга қўшадиган ҳиссасини ошириш мақсадида:

1. Республика ҳудудида жойлашган транспорт қурилиши тизимидаги монтаж ва ихтисослаштирилган қурилиш, лойиҳа-қидирув, илмий-технологик, саноат ҳамда бошқа корхоналар ва ташкилотлар меҳнат жамоаларининг ихтиёрийлик асосида Ўзбекистон Давлат транспорт қурилиши корхоналари уюшмаси — «Ўзбектрансқурилиш»ни ташкил этиш тўғрисидаги таклифи қабул қилинсин.

Белгилаб қўйилсинки, «Ўзбектрансқурилиш» уюшмаси:

юридик шахс ҳуқуқларига эга бўлган хўжалик уюшмаси ҳисобланади ва шартнома асосларида давлат, ижара, акционерлик, жамоа ва бошқа корхоналари бирлаштиради ҳамда ўз фаолиятини Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Вазирлар маҳкамаси билан келишган ҳолда муассислар йиғилиши тасдиқлайдиган уюшма устави асосида амалга оширади;

муассислар бериб қўйган ҳуқуқларни ҳисобга олиб молиявий-иқтисодий, хўжалик ва ижтимоий фаолият борасидаги масалаларни мустақил ҳал қилади, уюшма кенгашининг қарорига биноан марказлаштирилган суғурта, заҳира жамғармаларини ва бошқа жамғармаларни ташкил этади;

республиканинг амалдаги қонунларига мувофиқ уюшма таркибига кирувчи трестлар, корхоналар ва ташкилотларнинг давлат мулкини бошқаради, иқтисодий жиҳатдан мақсадга мувофиқликни ва меҳнат жамоаларининг манфаатларини эътиборга олиб, транспорт қурилиши давлат корхоналари ва ташкилотларини бошқача мулкчилик шаклларига айлантириш юзасидан белгиланган тартибда таклифлар киритади.

2. Ўзбекистон Давлат транспорт қурилиши корхоналари уюшмаси — «Ўзбектрансқурилиш» фаолиятининг асосий вазифалари қуйидагилардан иборат қилиб белгилансин:

Темирйўл транспорти, фуқаро авиацияси иншоотларини, асосий автомобиль йўлларини, метрополитенни, тоннеллар, кўприкларни лойиҳалаш, қуриш, кенгайтириш, қайта қуриш ва техника билан қайта қуроллантириш, ижтимоий соҳага оид ва бошқа масалалар ҳар томонлама ҳал этилишини таъминлаш;

уюшмага кирувчи корхоналар ва ташкилотларнинг фаолиятини мувофиқлаштириш. Бозор муносабатларига ўтишда уюшма қатнашчиларига кўмаклашиш маслаҳат, ташкилий-услубий, ҳуқуқий, муҳандислик, ахборот ҳамда бошқа хизматлари билан таъминлаш, хорижий шериклар билан амалий ҳамкорликни ривожлантириш;

ягона илмий-техникавий сиёсатни ўтказиш, транспорт иншоотларини лойиҳалаш ҳамда қуриш масалаларида бошқа давлатларнинг тажрибасини ўрганиш ва оммалаштириш;

маҳсулот етказиб берувчилар билан узоқ муддатли алоқалар ўрнатишга доир ташкилий тадбирларни амалга ошириш, республиканинг энг муҳим халқ хўжалик иншоотлари қурилишини моддий-техника ресурслари билан таъминлаш.

3. Вазирлар маҳкамаси бир ҳафта муддат ичида ушбу Фармонни рўёбга чиқаришга доир ташкилий чора-тадбирларни кўзда тутувчи қарор қабул қилсин.

Ўзбекистон Республикасининг Президенти
И. КАРИМОВ.

Тошкент шаҳри,
1992 йил 1 декабрь.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА

Жаноб Президент!

Ушбу мактубни мен Бирлашган Миллатлар Ташкилоти байрами муносабати билан юборган табрикномангиз учун ташаккур айтиш ниятида ёзмоқдаман.

Тожикистондаги аҳволни ўрганиш мақсадида БМТ вакилларини юбориш тўғрисидаги қароримга муносиб баҳо берганингиздан мамнунман.

Аминманки, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти тарихида туб бурилиш чоғи тобора яқинлашмоқда. Айни вақтда мен Бирлашган Миллатлар Ташкилоти янги бошқарувини тузиш қийинчиликсиз, осонликча кечади, демоқчи эмасман. Аксинча, вазиятни теран таҳлил этиб, янги мустақил давлатларда юз бераётган ўзгаришларнинг муқаррарлигига ишонаман. Бошқа жойлардагига нисбатан Ўзбекистонда тинчлик ва осойишталик барқарор бўлиб турибди. Бинобарин, барча давлатларнинг БМТ низомини адо этишга муносабатини умидворлик нишонаси дейиш мумкин.

БМТнинг ўзи учун эса бу кундалик вазифа узлуксиз талабларни илгари сураётгани туфайли бутун инсониятга хизмат қилиш мезонидир. Айни замонда, ташкилотларимизнинг янги муносабатларга муҳтожлиги кечиктириб бўлмайдиган масала бўлиб турибди.

Шунинг учун ҳам мактубингизни ўзимга нисбатан катта илтифот деб биламан. Жаноб Президент, Сизга ишончим чексиздир. Шу туйғуларимни қабул қилгайсиз.

Бутрос ҒОЛИЙ,
Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Бош котиби.

ЎЗБЕКИСТОН — ИҚТИСОДИЙ ҲАМКОРЛИК ТАШКИЛОТИНИНГ АЪЗОСИ

Иқтисодий Ҳамкорлик Ташкилоти мамлакатлари Ташқи ишлар Вазирлари Кенгашининг 28 ноябрь куни Исломободда бўлиб ўтган навбатдан ташқари сессиясида Ўзбекистон шу минтақа ташкилотига расмий равишда аъзо бўлди.

Бу хусусдаги Ҳужжатни Республика номидан делегация бошлиғи, Ўзбекистон ташқи ишлар вазири У. А. Абдуразоқов имзолади.

Ўзбекистон билан биргаликда Афғонистон, Озарбайжон, Қозоғистон, Қирғизистон ва Туркманистон ҳам шу ташкилотга аъзо бўлди. Тожикистон ўз вакилини юбора олмади, бироқ унинг ташкилотга аъзо бўлиши масаласи ҳал этилган.

Аввало Покистон, Эрон ва Туркия томонидан асос солинган Иқтисодий Ҳамкорлик Ташкилоти (ИҲТ) Осиё давлатларининг ўзига хос умумий бозорини вужудга келтириш ниятидадир.

Улкан инсоний ва моддий ресурслар, уларнинг тарихий, маданий, диний илдизларининг муштараклиги 300 миллиондан ортиқ аҳоли яшайдиган минтақани янада ривожлантиришга кўп даражада ёрдам беради.

Аввало саноат ва савдо соҳасида ҳамкорлик, конверсия, минтақаларо сайр-саёҳатни ривожлантириш, самарали алоқа тизимини—автомобиль йўллари ва темир йўллар, ҳаво йўллари, йўлдош алоқаси ва ўзга алоқани вужудга келтириш ИҲТнинг асосий вазифаларидандир. Сармоя ва тараққиёт банкини, кемачилик компаниясини, ИҲТнинг илмий жамғармаси ва ёшлар жамғармасини барпо этиш маданий ҳамкорликни шу жумладан оммавий ахборот воситалари соҳасидаги ҳамкорликни кучайтириш кўзда тутилмоқда.

Янги аъзоларни қабул қилишга бағишланган тантанали маросимда таъкидланганидек ташкилотга аъзо бўлган мамлакатларнинг XXI асрга илғор, қудратли ва юксалган давлат сифатида қадам қўйишини таъминлаш иқтисодий ҳамкорлик ташкилотининг бош вазифасидир. ИҲТ жаҳоншумул иқтисодий ҳамкорлик жараёнига қўшилишга, бошқа минтақалардаги иқтисодий ташкилотлар билан алоқаларни йўлга қўйишга тайёрдир.

Ўзбекистоннинг ташкилотда иштироки тўғрисида гапириладиган бўлса, бу ҳамкорлик биринчи навбатда замонавий автомобиль йўлларини барпо этишга, шунингдек республиканинг минтақадаги муҳим бандаргоҳлар ва саноат марказларига энг мақбул тарзда чиқишини таъминлашга, юкларни мамлакатлар орқали самарали ташишни йўлга қўйишга имкон берадиган бошқа йўлларни қуриш соҳасида аниқ тусга кира бошлади. Ўзбекистон расмий делегациясининг аъзоси, автомобиль йўллари вазири Р. Юнусов айтганидек, ҳозирнинг ўзидаёқ эришилган ахдномаларни рўёбга чиқариш республиканинг ташқи иқтисодий фаолиятини анча кучайтиришга имкон беради.

Исломободдаги учрашув қатнашчиларининг фикрича, Ўзбекистон ва бошқа янги давлатларнинг Иқтисодий Ҳамкорлик Ташкилотига аъзо бўлиши минтақанинг жуда кўп муаммоларини ҳал қилишда катта ижобий аҳамиятга эга бўлиши мумкин.

Ўзбекистоннинг иқтисодий ҳамкорлик ташкилотига аъзо бўлиши — Республиканинг халқаро обрў-эътиборини мустаҳкамлаш, жаҳон ҳамжамиятида унинг мавқеи тобора ортиб бораётганини эътироф этиш йўлидаги яна бир қадамдир.

Шу кунларда Покистонда ИҲТ ҳафталиги доирасида ҳамкорлик ва тараққиётга бағишланган минтақавий халқаро анжуман бўлиб ўтди. Ўзбекистон анжуманга мустақил дастурни тақдим этди, унга олимлар ва маданият арбоблари гуруҳини, шунингдек рақс дастасини, фотосуратлар кўргазмасини, бадиий ва ҳужжатли фильмларни юборди.

(ЎзА).

ЎЗБЕКИСТОН КОНСТИТУЦИЯСИНИНГ ЛОЙИҲАСИ ФРАНЦУЗ ҲУҚУҚШУНОСИНИНГ НАЗАРИДА

Яқинда Парижда бўлган пайтимда таниқли француз ҳуқуқшунос олими, «Париж—1» университети халқ ҳуқуқи профессори Мишель Лесаж билан учрашдим. М. Лесаж — қиёсий-ҳуқуқий тадқиқотлар институти директори ҳамда Шарқий Европа мамлакатлари ва собиқ СССР снёсий муассасалари бўйича мутахассиси. Кейинги вақтларда М. Лесаж Европа кенгашининг эксперти сифатида иш кўриб, шу пайтгача Россия, Қирғизистон конституцияларининг лойиҳаларини таҳлил этди, Киевда ижроия ҳокимиятни ташкил этиш, унинг қонун чиқарувчи ҳокимият билан ўзаро алоқаси масалалари юзасидан маслаҳат берди. Хуллас, у ниҳоятда билимдон ва МДҲдаги ишларнинг аҳволидан хабардор одам. У ёш мустақил давлатлардаги қонунларнинг ўзгаришини синчиклаб кузатиб турибди.

Профессор М. Лесаж бизнинг конституциямиз лойиҳаси тўғрисидаги фикрларини баҳам кўришга бажонидил рози бўлди.

А. САИДОВ: Профессор, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг лойиҳаси тўғрисидаги умумий таассуротингиз қандай?

М. ЛЕСАЖ: Менга лойиҳанинг аввало қисқалиги ва лўндалиги ёқди. Давлат асосий қонунининг айни мана шундай сифати барча фуқароларга фуқаролик жамиятининг асосий конституциявий қоидаларини тушуниш ва ўзлаштириб олиш имконини беради. Лойиҳа муаллифлари хорижий конституция тажрибасини батафсил ўрганиб, ўқиб олганликлари кўриниб турибди. Шу муносабат билан француз конституциявий ҳуқуқининг таъсирини ҳам лойиҳада кўриш менга ёқимли бўлди.

Ўзбекистон мустақил давлат бўлиб олгач, жаҳон ҳамжамиятида тобора дадил ўзига муносиб ўрин олмоқда. Шу боисдан Конституция лойиҳасининг муқаддимасида халқаро ҳуқуқни умум эътироф этган меъёрлари устиворлиги тан олиниши мутлақо тўғридир.

Конституция атамаларидаги янгиликлар кўзга ташланади. Мен ўзбек тилини билмайман. Аммо Ўзбекистоннинг аввалги Конституцияларини ҳам рус тилида ўқиган эдим. Давлат идораларининг ва лавозимларнинг номлари фақат рус тилида берилар эди. Улардан фарқли ўлароқ олий вакиллик органининг номи ўзбекларнинг давлат анъаналари руҳида «Олий мажлис» деб аталибди. Бу — жуда тўғри. Бутун дунёда парламентларнинг номлари ўз тилида: конгресс, риксдаг, мажлис, хурал, кнессет ва ҳоказо тарзида берилади. «Ҳоким» атамаси ҳам яхши, бу мисоллар ўз тилига, анъаналарига ҳурмат билан қаралаётганини кўрсатади.

Менинг асосий хулосам шуки, Ўзбекистон Конституциясининг лойиҳаси жаҳон андозалари даражасида тайёрланган.

Аммо мен мутахассис бўлганим учун ўз истакларимни айтиб ўтишим керак. Буларнинг ҳаммаси— менинг шахсий фикрим. Хоҳланг эътиборга олинг, хоҳланг олманг.

Жаҳонга машҳур ҳуқуқшунослик маркази — Франция «Қиёсий қонуншунослик жамияти» ўзбекистонлик профессор Акмал Саидовни хорижий аъзо этиб сайлади. Шу муносабат билан яқинда олим Парижга бориб, маъруза қилди. Бу воқеа ҳуқуқшунос олим А. Саидовнинг халқаро миқёсда иккинчи бор тан олиниши бўлди. 1990 йилда у Осиё ва Тинч океан минтақаси ҳуқуқшунослари халқаро уюшмасининг якка аъзоси қилиб сайланган эди.

А. САИДОВ: Бу ўринда сиз нималарга алоҳида эътибор бердингиз?

М. ЛЕСАЖ: Ҳар бир давлатнинг Конституцияси давлат ҳокимиятини уюштиришнинг асосий қоидаларини, яъни ваколатларни турли давлат идоралари ўртасида қандай тақсимлашни таърифлаб бериши лозим. Мамлакатингизнинг асосий қонуни лойиҳасида «Ўзбекистон Республикаси давлат ҳокимияти тизими ҳокимиятни қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимиятига бўлиш қоидасига асосланади» (11-модда) деб тўғри таъкидланган. Француз маърифатпарвари Шарль Луи Монтескьенинг бу ғоясини амалга ошириш учун кўп мамлакатларда неча ўн йилликлар керак бўлди.

Сизнинг конституциянгиз қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимиятларининг ўзаро муносабатлари конституциявий ҳуқуқий асосларини яратиб бериши керак. Унда парламентингиз — Олий мажлис давлат ички ва ташқи сиёсатининг асосий йўналишларини белгилаб бериши (дарвоқе, 77-модданинг 7-банди учинчи банд қилиб жойлаштирилиши жоиз эди) ва парламентнинг умумий назоратини ташкил этиши лозим. Аммо бундан Олий мажлис ижроия ҳокимиятнинг ишларига аралашаверади, деган маъно асло келиб чиқмайди. Парламент ижроия ҳокимиятнинг ваколатларига даҳлдор бўлган қарорларни қабул қилмаслиги керак.

Бу фикримни бир мисол билан тушунтириб берай. Ўзбекистон Президентининг Вазирликлар, Давлат комитетлари ва давлат бошқаруви бошқа идораларини тузиш ҳамда тугатиш ҳақидаги Фармонларини нега Олий мажлис тасдиқлаши керак (77-модданинг 19-банди)? Шу модданинг 3-бандига биноан Олий мажлис қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимиятлари идоралари тизимини ҳамда ваколатларини белгилаб беради. Президентнинг ижро этувчи ҳокимият идораларини тузиш тўғрисидаги Фармонлари Олий мажлис томонидан тасдиқланиши эса ҳокимиятларни тақсимлаш қоидасига зиддир. Депутатлар ижро этувчи ҳокимиятнинг сиёсатини назорат қилишлари керак эмас. Ижроия идораларининг иши ички ташкил этилиши, шу жумладан вазирликлар ва давлат комитетларини тузиш — ижро этувчи ҳокимиятнинг ишидир.

Конституция ижро этувчи ҳокимиятнинг самарали ишлаши учун барча зарур ҳуқуқий асосларни яратиб бериши лозим. Иттифоқ барбод бўлиб, қарор топган иқтисодий алоқалар бузилган ва узилган, собиқ СССРнинг турли минтақаларида беқарорлик ҳукм сураётган шароитда кучли ижро этувчи ҳокимиятга, қатъий ҳуқуқий тартибга эга бўлиш керак.

Конституция — Асосий қонун — давлат ҳокимиятини уюштириш ва рўёбга чиқариш қуроли бўлиб, давлат сиёсатининг умумий йўналишларида ҳокимият турли тармоқлари ўртасидаги якдилликни таъминлаши керак.

(Давоми 2-бетда).

• Вилоят ҳокимлигида

МАҲАЛЛАЛАР РАВНАҚИНИ КЎЗЛАБ

ВИЛОЯТ ҳокимлигида Ўзбекистон Республикаси «Маҳалла» жамғармаси Тошкент вилояти бўлимини ташкил этишга бағишланган конференция бўлиб ўтди. Унда барча шаҳар ва районлар ҳокимликлари вакиллари, қишлоқ ва қўрғонлар кенгашлари раислари, вилоятдаги қатор ташкилотлар раҳбарлари ва маҳаллалар қўмиталари раислари, фаоллари иштирок этдилар. Анжуманни вилоят ҳокими муовини Б. Махситов қисқача кириш сўзи билан очди.

Конференцияда вилоят ҳокими С. Д. Сайдалиев Республика «Маҳалла» жамғармаси вилоят бўлимини ташкил этиш тўғрисида маъруза қилди.

— Жамиятимизнинг асосий таянчи бўлган маҳаллалар фаолиятига республикамиз Президенти И. А. Каримов алоҳида эътибор бермоқда,— деди нотиқ.— Бу бежиз эмас. Турмушимизнинг фаровонлиги, халқимиз ҳаётининг гўзаллашиб бориши, орзуларимизнинг рўёбга чиқиши катта ҳаёт мактаби бўлган маҳаллалар фаолиятига боғлиқ.

Маҳалла — тарбия ўчоғи сифатида республикамизда миллий қадриятларни қайта тиклаш, замонавий анъаналарни шакллантира бориш, меҳр-оқибат, саҳоват, раҳм-шафқат каби юксак инсоний туйғуларни янада жонлантиришда катта роль ўйнаётганлигини ҳаётий тажриба кўрсатди. Маҳалла тинч экан, жамият тинч. Тинч жамиятда эса инсон камолотга етаверади...

Нотиқ Республика Президентининг маҳаллалар ҳаётий фаолиятини яхшилаш йўлидаги фармонларини вилоятимиз меҳнаткашлари, маҳаллалар аҳли якдиллик ва мамнунлик билан қутиб олганликларини таъкидлади.

— Бу ҳаётий ҳужжатларни маъқуллаган ҳолда,— деди у,— биз ҳам вилоятимиз шаҳар ва районларида маҳаллалар турмуш-тарзига, уларнинг равнақига, етимсирлар, ногиронларни ижтимоий ҳимоялашга эътиборни кучайтираверамиз. Бугунги ташкил этилаётган вилоят маҳалла жамғармаси шуни кўзда тутади...

Маъруза юзасидан сўзга чиққан Тошкент райони ҳокими Р. Акбаров, Оққўрғон районидаги Сегизбоев номли давлат хўжалиги директори Ш. Каримов, Ангрен шаҳридаги Ғофур Ғулом номли маҳалла комитети раиси С. Жўраева, Қуйичирчиқ районидаги «Огонёк» совхози директори З. Раҳматуллаев, Ўртачирчиқ районидаги Ким Пен Ҳва номли колхоз раиси Т. Мадиёров, вилоят матлубот жамиятлари уюшмаси раиси М. Каримжонов, вилоят кооператив-тайёрлов савдоси раиси Ж. Эргашхўжаев, Қибрай районидаги Беруний номли маҳалла комитети раиси М. Йўлдошев, Чирчиқ шаҳар маҳаллалар комитетлари кенгашининг раиси А. Касьян, Оҳангарон шаҳридаги «Иттифоқ» маҳалла қўмитаси раиси Т. Жумабоев, Тўйтепа шаҳридаги Муқимий номли маҳалла қўмитаси раиси Ғ. Халилов ва бошқалар маҳалла жамғармаси ташкил этиш тўғрисидаги Президент фармонларини маъқуллаётганликларини айтиб, бу жамғарманинг вилоят бўлими ташкил этилишини бир овоздан қўллаб-қувватладилар.

Вилоят ҳокими жамғарма ҳисобига 5 миллион сўм ўтказди. Тошкент райони ўз ҳудудидаги маҳаллалар жамғармасини 25 миллион сўмга етказадиган бўлди. Оққўрғон районидаги Сегизбоев номли давлат хўжалиги 10 миллион сўм, «Огонёк» давлат хўжалиги 1 миллион, Ўртачирчиқ районидаги Ким Пен Ҳва номли колхоз 1 миллион сўм, вилоят кооператив тайёрлов савдоси 3 миллион сўм, вилоят матлубот жамиятлари уюшмаси 500 минг сўм пул ўтказишларини билдирдилар. Ким Пен Ҳва номли колхоз раиси Т. Мадиёров жамғарма учун битта кичик корхона ҳам қуриб берадиган бўлди.

Конференцияда республика «Маҳалла» жамғармаси раиси Ш. Темиров нутқ сўзлади.

Конференцияда вилоят «Маҳалла» жамғармаси бўлимининг кенгаши сайланди. Конференцияда Солижон Воҳидов Тошкент вилояти «Маҳалла» жамғармаси кенгаши раиси этиб сайланди.

Конференцияда вилоят «Маҳалла» жамғармасининг тафтиш комиссияси ҳам сайланди.

Конференция тегишли масалалар юзасидан қарор қабул қилди.

ФЕРМЕРНИНГ ҲИММАТИ

РАЙОНДАГИ «Янги ҳаёт» давлат хўжалигининг таниқли фермери яқинда хўжалик ҳудудида яшовчи иқтисодий жиҳатдан кам таъминланган кишилардан 44 нафарига ўз шахсий жамғармасидан ҳайрия берди. Хўжаликнинг ошхонасига тўпланган уруш ва меҳнат фахрийларига Машраб ака Исмоилов ўз иссиқхонасида етиштирилган помидор ва бодринглардан махсус халталчаларда улашиб чиқди ҳамда ҳар бир кишига юз сўмдан пул ҳадя этди.

Бу ҳайрияда қатнашган район ҳокимининг муовини И. Бобоқулов ва район ижтимоий таъминот бўлимининг мудири Ф. Шеровлар беғараз ёрдам учун Машраб ака Исмоиловга ташаккур билдирдилар.

М. ҚАЮМОВ,
Оҳангарон.

ЎЗБЕКИСТОН ҚИЗИЛ ЯРИМОЙ ЖАМИЯТИ ЖАМҒАРМАСИГА МАБЛАҒ ТЎПЛАШ ЎН КУНЛИГИ ЎТМОҚДА

САҲОВАТЛИЛАР САФИДА БЎЛАЙЛИК

Республика Президенти ҳузуридаги Вазирлар маҳкамасининг қарори билан 1 декабрдан 10 декабргача Ўзбекистонда йирик ҳайрия тадбири — Қизил Яримой жамияти жамғармасига маблағ тўплаш ўн кунлиги ўтмоқда. Бундай тадбирлар жаҳоннинг кўплаб мамлакатларида илгари ҳам уюштирилган. Қизил Яримой жамияти жамғармасини бойитиш — бу турли тасодифий ҳолларда ночор аҳволга тушиб қолган кишиларга ёрдам бериш, ногиронларни қўллаб-қувватлаш, ёлғиз, кимсасиз кишиларни ижтимоий ҳимоялаш демакдир.

— Ҳозирги қийин шароитларга қарамасдан,— деди биз билан суҳбатда Қизил Яримой жамияти Тошкент вилояти бўлимининг раиси Флюра Шукруллаевна Латипова,— жамиятимиз ана шу кишиларни имкони борича қўллаб-қувватламоқда. Жигаристонда, бир қатор районларда табиий офатлар содир бўлганда бизнинг кўмагимиздан анчагина кишилар бахраманд бўлдилар.

Утаётган ўн кунликда вилоятнинг барча районларида ҳайрия тадбирлари, очиқ бозорлар, концертлар, театрлаштирилган кўрсатувлар ва спорт ўйинлари уюштирилмоқдаки, улардан тушган маблағлар Қизил Яримой жамиятининг моддий базасини мустаҳкамлайди.

Ҳайриянинг ташаббускорларидан бири — Ангрен шаҳар ҳокими С. Ю. Юсупалиев меҳнаткашларни бу тадбирда фаол иштирок этишга даъват қилди. Ана шунга жавобан Қизил Яримой жамияти вилоят бўлимига Ангрен кўмир кесими 400 минг сўм, олтин қазиб чиқариш кони 250 минг сўм пул ўтказди. Шунингдек, шаҳардаги «Ситора» қўшма корхонаси ҳам 250 минг сўм маблағ ажратди. Ангрендаги 1-шифохона ва шаҳар маданият бўлими ходимлари бир кунлик маошларини, шаҳар ҳокимлиги эса йиллик бюджетидан бир фоизини Қизил Яримой жамиятига ўтказиш тўғрисида қарор қабул қилдилар.

— Менимча, биз энди қўлимизни ювиб меҳр-шафқат қилинг, деб юрмаймиз,— дейди Флюра Шукруллаевна,— мустақил республикамизда дадил оёққа туриб боряпмиз. Албатта, ўзимизни яхши тутиб олишимиз учун ҳали ҳайрия тадбирларига, катта ёрдамга эҳтиёжимиз бор. Шу боисдан ҳисоб-рақамимизни маълум қилмоқчимиз: **Тошкент вилояти Қизил Яримой жамияти, ҳисоб рақами № 000700853 код 173682315, саноат-қурилиш банкининг Маҳнат бўлими.**

ЎЗБЕКИСТОН ВА ЖАҲОН

«Малика»—Шаржада ҳам малика

● МУСТАҚИЛЛИК шарофати билан Ўзбекистон саноати бевосита жаҳон бозорига чиқиш имкониятига эга бўлди. Ўзбек саноатчиларининг ҳамкорлик қилиш ниятида бўлган чет эллик ишбилармонлар тобора кўпаймоқда. Бугун Бирлашган Араб Амирликларининг Шаржа шаҳрида бўлиб ўтган халқаро кўргазма яна бир карра исботлади.

«Шарқ мамлакатлари кўргазмаси» деб номланган бу нуфузли анжуманда Яқин, Ўрта Шарқ, Шимолий Африка мамлакатларининг бир қаторда Ўзбекистон элчиларининг — Тошкентдаги «Малика» ишлаб чиқариш бирлашмасининг вакиллари ҳам иштирок этдилар.

«Малика» томонидан кўргазмада намойиш этилган турли-туман маҳсулотлар етти иқлимга донги кетган хориж маҳсулоти соясида қолиб кетмади. Аксинча, хорижлик ишбилармонлар «Малика»да тайёрланган «Адидас» спорт кийими билан Германиядаги машҳур фирманинг шу турдаги маҳсулоти орасида бирон-бир тафовут топа олишмади.

«Малика»нинг сифатли, пишиқ ва арзон маҳсулотини кўздан кечирган бир қатор фирмаларининг вакиллари бирлашма билан иқтисодий ҳамкорлик қилиш истагини билдиришди.

Т. НУРМУҲАМЕДОВ.

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси лойиҳаси умумхалқ муҳокамасида

ЎЗБЕКИСТОН КОНСТИТУЦИЯСИНИНГ ЛОЙИҲАСИ ФРАНЦУЗ ҲУҚУҚШУНОСИНИНГ НАЗАРИДА

[Давоми. Боши 1-бетда].

А. САИДОВ: Сиз қонун чиқарувчи идорамизнинг номи ва унинг давлат тизимидаги алоҳида мавқеи ҳақида ўз фикрингизни айтдингиз. Энди Ўзбекистон парламентининг назарда тутилаётган ваколатлари ҳақида қандай фикрдасиз?

М. ЛЕСАЖ. Лойиҳада парламент фаолиятининг асосий соҳалари қамраб олинган. Баъзи мулоҳазаларим бор. Қонунларнинг ижроси устидан парламент назоратини уюштириш Олий мажлис раисининг вазифаси эмас, балки Олий мажлис комитетларининг вазифасидир (84-модда). Шу модданинг ўзига парламентнинг матбуот нашрлари, уларнинг муҳаррирлари ҳақидаги моддани киритиш жоизмикан? Буларнинг қаммасини Олий мажлиснинг иш тартибига киритса бўлади. Дарвоқе, дунёдаги кўпгина давлатлар ўзларининг матбуот нашрларига эга эмас, улар фақат журналга ўхшаш расмий нашрни чиқариб, унда қабул этилган қонунларни эълон қиладилар.

А. САИДОВ: Профессор, сизнинг назарингизда, лойиҳанинг қайси моддаларида француз Конституция тажрибаси эътиборга олинган?

М. ЛЕСАЖ: Аввало ижро этувчи ҳокимиятни ташкил этишда эътиборга олинган. Ўзбекистон 1990 йилнинг мартидаёқ иттифоқдош республикалар орасида биринчи бўлиб Президент лавозими таъсис этганидан хабардорман. Менинг назаримда лойиҳада Ўзбекистоннинг Президент бошқаруви усулига оид ўз йўли мустаҳкамлаб берилган. Бунда чет эл, аввало Франция тажрибаси ҳисобга олинган. Ҳозирги бешинчи республика — Франсияда ижро этувчи ҳокимиятнинг ташкил этилиши ҳақида бир-икки оғиз гапирмоқчиман. Франциянинг Президенти ва Бош вазири бор. Ижро этувчи ҳокимиятнинг икки поғонаси вужудга келтирилган. Бу поғоналарнинг қарама-қаршилигига эмас, балки ҳамкорлигига ва Президент билан ҳукумат ҳаракатларининг мувофиқлашувига интилмоқ керак. Францияда бунга Президентнинг Вазирлар маҳкамаси мажлисларида раислик қилиш ҳуқуқи тўғрисидаги конституциявий қоида билан эришилади. Шу муносабат билан, менинг назаримда, лойиҳанинг 97-моддасига «Ўзбекистон Республикасининг Президенти Вазирлар маҳкамасининг мажлисларида раислик қилиши мумкин» деган қоидани қўшиб қўйилиши мақбул бўлур эди. Бунда мен Президент доимо вазирлар маҳкамасининг мажлисларида раислик қилиши керак, демоқчи эмасман, албатта. Йўқ. Президент ўз хоҳишига кўра, башарти, муҳокама қилинадиган масалаларни муҳим деб ҳисобласа, раислик қилиши мумкин. Бошқа ҳолларда Вазирлар маҳкамасининг мажлисларига Бош вазир раҳбарлик қилиши мумкин. Бу — Вазирлар маҳкамасига Президент томонидан раҳбарлик қилишнинг яхши усули эканини Франциянинг тажрибаси кўрсатиб турибди.

А. САИДОВ: Ўзбекистон Республикаси Президентининг лойиҳада кўзда тутилган конституциявий мақоми ҳақида нима дея оласиз?

М. ЛЕСАЖ: Президент — давлатдаги асосий арбоб. У — давлат бошлиғи, миллатнинг тимсоли, фуқаролар хавфсизлигининг кафилидир. Шу сабабли лойиҳада Президентга кенг ваколатлар берилиши тўғри. Шу муносабат билан мен лойиҳанинг 92-моддасини алоҳида таъкидлаб ўтмоқчиман. Бу — жуда муҳим модда.

А. САИДОВ: Ҳа, бу модда президентнинг парламент таркибида унинг бемалол ишлай олишини хавф остига қўядиган, бартараф этиб бўлмайдиган ихтилофлар чиққан тақдирда Олий мажлисни тарқатиб юбориш ҳуқуқига бағишланган. Бу модда ҳақида турли фикрлар билдирилди. Баъзилар, Президент Олий мажлисни тарқатиб юбормаслиги керак, деб ҳисобламоқдалар. Гўё бу нарса халқ вакиллиги қондасига зид келар эмиш. Бу фикрга қандай қарайсиз?

М. ЛЕСАЖ: Ўзбекистон МДҲ доирасида бундай моддани Конституцияга киритишни биринчи бўлиб лойиҳалаштирмоқда. Буни мен яхши ва тўғри деб ҳисоблайман. Франция 100 йил давомида, ҳозир амалда бўлган 1958 йилги Конституция қабул этилгунига қадар бундай моддага эга бўла олмади. Бунинг сабаби нима, деб сўрарсиз. Бу саволга шундай жавоб қайтараман: Президентга парламентни тарқатиб юбориш ҳуқуқи берилишига қарши бўлган кишилар буни вакиллик ҳокимиятига тажовуз деб ҳисоблаб келган эдилар. Улар парламентни тарқатиб юборишнинг ўзи қонун чиқарувчи органнинг ичида ёки қонун чиқарувчи ва ижро этувчи ҳокимиятлар ўртасида, ё бўлмаса қонун чиқарувчи идора билан халқ ўртасида низо чиққан ҳолларда бу масалани халқнинг ўзи ҳал этиш ҳуқуқининг ифодаси эканини тушунишни истамадилар. Бу — халқ вакиллиги қоидалари ва анъаналарига тўлатўкис мос келади.

А. САИДОВ: Сизнинг фикрингизни ривожлантирмоқчиман. Дарҳақиқат, Президент бутун халқ томонидан сайланган ва халқ номидан иш кўриш учун конституциявий ҳуқуқга эга бўлган давлат бошлиғи сифатида (10-модда) парламентни тарқатиб юборишн мумкин.

Биздаги бир қанча ҳуқуқшунос ва жамиятшунос арбоблар Президент бошқарув усули импичмент (парламентда ишончсизлик билдириш ва истеъфога чиқариш) тартиб қоидасини ҳам назарда тутади, деб ҳисобламоқдалар. Бунга нима дейсиз?

М. ЛЕСАЖ: Мен парламентнинг ҳар бир мажлисида унинг аъзолари президентни истеъфога чиқариш билан дўқ уришига қаршиман. Сирасини айтганда Ғарбий Европада импичмент унчалик самара бермаяпти. Назаримда, Конституцияда, Президентнигина эмас, балки Вазирлар маҳкамасининг ялпи масъулияти ҳақидаги қоидани мустаҳкамлаб қўйиш муҳимроқдир. Бунда парламент Президентга бевосита эмас, балки Вазирлар маҳкамасининг сиёсатини парламент йўли билан назорат қилиш орқали таъсир ўтказиши мумкин. Бу — Президентнинг давлат обрў-эътиборини муҳофаза қилишнинг муҳим усулларидан бири бўлур эди. Президент ваколатли давлат бошлиғи бўлиш учун барқарор ва етарли ҳуқуқларга эга бўлиши керак.

Парламент Президентга зарур ҳолларда парламентнинг ўз ваколатига кирувчи меъёрий ҳужжатларни зудлик билан қабул этиш ҳуқуқини бериши керак. Унинг икки шарти бор. Биринчиси: парламент Президент қайси соҳаларда шошилинч равишда фармон қабул этиши ва Бу Фармонни қабул қилиш муддатини аниқлаб бериши керак. Иккинчиси: Сўнгра парламент Президентнинг мана шу Фармонини тасдиқлаши лозим.

А. САИДОВ: Профессор, эҳтимол, сиз Президентнинг истеъфодан кейин Конституциявий суднинг аъзоси бўлиб қолиш ҳуқуқи белгиланган 96-моддага ҳам эътибор бергандирсиз.

М. ЛЕСАЖ: Албатта. Бу модда ҳам француз конституция тажрибаси эътиборга олинганининг яна бир аниқ мисолидир. 1958 йилги Конституцияга биноан Франция Республикасининг Президенти истеъфога чиққанидан кейин Конституциявий кенгаш таркибига киради. Шуни айтишим керакки, Франциянинг собиқ Президентлари — генерал Дэ Голль ҳам, Жискар Д'Эстен ҳам Конституциявий кенгаш ишида қатнашган эмаслар. Шунга қарамай, Президентнинг ваколат муддати тугаганидан сўнг унга шундай ҳуқуқ берилишини муҳим деб ҳисоблайман. Президент давлатдаги энг юксак лавозимдан кетганидан кейин ҳам катта ҳуқуқий мақомга эга бўлиши қонунийдир. Собиқ Президентларнинг давлатга раҳбарлик қилиш соҳасидаги катта тажрибаси Конституциявий суд учун ҳам фойдали бўлиши шубҳасиз.

А. САИДОВ: Маҳаллий ҳокимият идоралари аниқ тизимини белгилашнинг аҳамияти катта. Бу масала дунёнинг барча мамлакатларида кенг муҳокама қилинмоқда. Ўзбекистон Конституциясининг лойиҳаси ҳам давлатнинг маҳаллий идораларини ривожлантиришнинг ўзига хос йўлини таклиф этмоқда.

М. ЛЕСАЖ: Лойиҳада қонун чиқарувчи ҳокимият идоралари (11, 73-моддалар) ва жойлардаги ваколатли органлар (98, 99, 101-моддалар) аниқ фарқлаб қўйилгани менга жуда ёқди. Ваколатли орган — маҳаллий қонун чиқарувчи идора эмас. Москва шаҳрида ҳам ҳокимиятларни фарқлаш қоидаси жорий этилиши ҳокимият билан Москва кенгаши ўртасида қандай можарога сабаб бўлганини биласиз. Сизнинг лойиҳангиз бундай можаролар келиб чиқиш эҳтимолини истисно этади.

Ҳокимларнинг вазифалари Франциядаги мэрларнинг вазифаларига жуда ўхшайди. Ҳоким каби мэр ҳам ваколатли идораларга ҳам, ижроия идораларга ҳам раҳбарлик қилади.

А. САИДОВ: Ўзингизга маълумки, профессор, Ўзбекистон таркибига Қорақалпоғистон Республикаси ҳам киради, лойиҳада унга махсус боб бағишланган.

М. ЛЕСАЖ: Ҳа, мен бунга эътибор бердим. Мен 74-моддага битта қўшимча киритишни тавсия этган бўлур эдим. Чунончи, «Ўзбекистон Республикаси билан Қорақалпоғистон Республикасининг ўзаро муносабатлари» сўзларидан кейин «Ўзбекистон Республикаси Конституцияси доирасида» деган сўзлар қўшилса яхши бўлур эди. Мен буни жуда муҳим деб ҳисоблайман. Чунки ҳар қандай шартнома ва битимлар Ўзбекистон Конституциясига зид бўлмаслиги керак. Бу эса, ўз навбатида, ягона конституциявий қонунийликни таъминлайди.

67-моддани қуйидаги таҳрирда бошлаш мақсадга мувофиқдир: «Ўзбекистон Республикасида вилоятлар, шаҳарлар, шаҳарчалар, қишлоқлар мавжуд. Қорақалпоғистон Республикаси Ўзбекистон Республикаси таркибига киради».

А. САИДОВ: Инсоннинг асосий ҳуқуқлари ва эркинликлари конституцияда мустаҳкамлаб қўйилиши ҳар қандай жамият халқчиллигининг мезонларидан биридир. Лойиҳада ҳам фуқароларнинг конституциявий мақомига катта ўрин берилган. Лойиҳанинг иккинчи бўлими ҳақида қандай фикрдасиз?

М. ЛЕСАЖ: Бўлим лўнда, яхши ёзилган. Унда инсоннинг ҳуқуқий мақомини белгиловчи асосий қоидалар таърифланган. Хуллас, бўлим инсон ҳуқуқларига оид халқаро андозаларга тўла мос келади.

Бу бўлимнинг икки моддаси хусусида иккита мулоҳазам бор. Биринчи мулоҳаза банкдаги омонатлар сирини кафолатлайдиган 36-модда хусусида. Бу — яхши қоида. Бироқ, агар инсон ғайриқонуний йўл билан, масалан, наркотик моддалар ёки қурол сотиш орқали орттирилган сармояга эга бўлса, бундай ҳолатда сирни кафолатлаш ҳаққоний иш бўлармикан? Ўйлаб кўриш керак. Иккинчи мулоҳаза «малакали тиббий хизматдан фойдаланиш ҳуқуқи» эълон қилинган 40-модда ҳақида. Мен «малакали» сўзи олиб ташланиши керак, деб ҳисоблайман. Имкониятларни шароитга қараб баҳолаш керак. Сизларда барча фуқаролар учун мана шундай имконият билан шароит борми?

Лойиҳанинг бир неча моддасида давлат билан диннинг ўзаро муносабати турли жиҳатлардан аниқ таърифланган. Дин эркинлиги қоидаси замонавий талабларга мувофиқ акс эттирилган. Давлат тараққиётининг дунёвий йўли қоидаси ҳам демократиянинг руҳи ва талабларига мос келади.

Гарчи, суд ишлари юритиладиган тил ҳақидаги 115-модда судлов тизимига бағишланган бобга жойлаштирган бўлса ҳам, у инсон ҳуқуқлари нуқтаи назаридан катта аҳамиятга эгадир. Бу модда эски конституция анъанаси руҳида берилган. Уни Ўзбекистоннинг Давлат тили тўғрисидаги қонунга мувофиқ ҳолда таърифлаш керак эди. Чунки бу қонунда ҳам суд ишлари юритиладиган тил тўғрисида модда бор.

Инсон ҳуқуқлари нуқтаи назаридан 82-моддада жуда муҳим меъёр белгилаб берилган. Дарҳақиқат, қонунларнинг эълон қилиниши уларни қўллашнинг мажбурий шартидир. Мен учун бу — ҳуқуқий давлатни шакллантиришнинг асосий шартидир.

Профессор М. Лесаж суҳбатимизни умумлаштириб, қуйидагиларни таъкидлади: «Мураккаб ўтиш даврларида асрларга мўлжалланган Конституцияни тузиб бўлмайди. Асосий қоидалар ва масалаларни ҳал қилиш керак. Ўзбекистондаги вазиятда тангликдан қутилишнинг конституциявий йўлларини таъминлайдиган ҳамда жамиятга ҳуқуқ ва қонунийлик негизида халқчил тузум сари бориш имконини берадиган қатъий ҳуқуқий тартиб керак.

Сизларнинг лойиҳангизда бунинг учун ҳамма зарур асосий шарт-шароитлар бор. Ўзбекистон фуқароларига лойиҳани муҳокама қилишда, узил-кесил пухта ишлаб чиқишда, қабул этишда ва энг муҳими конституция меъёрлари ва руҳини кундалик турмушга тадбиқ этишда муваффақиятлар тилайман».

А. САИДОВ,
Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши Конституциявий Комиссиясининг аъзоси, ҳуқуқшунослик фанлари доктори.

БИЗНИНГ ФИКРИМИЗЧА...

ЎЗБЕКИСТОН ҲДП Бўстонлиқ район кенгашининг бўлиб ўтган навбатдаги пленуми бошланғич партия ташкилотларида Ўзбекистон Республикаси Президенти И. А. Каримовнинг «Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли» рисоласи ҳамда Ўзбекистон Республикаси Конституцияси лойиҳаси муҳокамасига бағишланди.

Ўзбекистон ХДП Бўстонлиқ район кенгашининг биринчи котиби Р. Маҳаматов ўз маърузасида ушбу рисола ҳамда асосий қонун лойиҳасининг бошланғич партия ташкилотларида қай тариқа ўрганилиб, муҳокама этилаётганлигини атрофлича таҳлил этиб, билдирилаётган фикр-мулоҳаза, таклиф ва истаклар ҳақида тўхталди.

Маъруза юзасидан бўлган музокараларда сўзга чиққан уруш ва меҳнат фахрийлари—район кенгаши раиси муовини Т. Муҳиддинов, «Паргос» жамоа хўжалиги партия ташкилоти котиби А. Қодиров, Қоранқул қишлоқ ҳудудий партия ташкилоти котиби А. Усмонова, район ёшлар иттифоқи қўмитасининг биринчи котиби Э. Баратов ва бошқалар ушбу муҳим ҳужжатлар юзасидан ўз фикрларини билдиришди.

Пленум ишида Ўзбекистон ХДП Марказий Тафтиш комиссиясининг раиси, Тошкент вилоят партия кенгашининг биринчи котиби Ў. Турғунов қатнашиб, нутқ сўзлади.

Қуйида район партия кенгашига Ўзбекистон Республикаси Конституцияси лойиҳаси бўйича тушган ва музокарада билдирилган таклифлардан баъзилари берилмоқда.

— Ў. ТЎЛАГАНОВ,— район марказий шифохонасининг бош врачи:

— Лойиҳанинг 40-моддасида тиббий хизмат ҳақида гапирилган. Унда тиббий хизмат кўрсатишнинг пуллик ёки бепул эканлиги аниқ кўрсатилмаганки, бу кишиларда эътироз, тортишувларга сабаб бўлмоқда. Шу боис ушбу моддага аниқлик киритилиши шарт.

А. РАҲИМБЕРДИЕВ,— район уруш ва меҳнат фахрийлари кенгаши раиси:

— Лойиҳанинг 90-моддасида Президентнинг ўз вазифасини бажариб турган даврида сиёсий партияга аъзолигини тўхтатиб туриши ҳақида сўз юритилган. Бизнингча, Президент ўз вазифасини бажариб турган даврда сиёсий партияга аъзолигини тўхтатиб туриши шарт эмас.

95-моддада таъкидланишича, Президент вақтинча ўз вазифасини бажара олмайдиган ҳолларда Олий Мажлис чақириб депутатларни йиғиб ўтирмасдан, вице-президент лавозимини киритиш керак ва шу лавозимда ишлайдиган шахснинг бундай фавқулодда ҳолатларда вақтинчалик президентлик вазифасини бажариб туриши алоҳида белгилаб қўйилса, мақсадга мувофиқ бўларди.

101-модда **«Вилоят, шаҳар ва район ходимлари олдин муқобиллик асосида тегишли кенгашларда сайланиб, сўнгра президент ёки вилоят ҳокимлари томонидан тасдиқланади»** деган тарзда ўзгартириб талқин этилса, демократия талабларига мос келган бўларди.

Т. МУҲИДДИНОВ,— уруш ва меҳнат фахрийси:

— «Конституция ва қонуннинг устунлиги» боби 16-моддаси 2-бандига «Бирорта ҳам қонун ёки бошқа норматив — ҳуқуқий ҳужжат Конституция нормалари ва қоидаларига зид келиши мумкин эмас» жумласидан олдин **«Барча қонунлар конституция асосида қабул қилиниши шарт»** деб ёзиб қўйилиши керак.

32-модданинг **«маҳфий жамиятлар ва бирлашмалар таъқиқланади»** деган жумла **«Рўйхатдан ўтмаган маҳфий жамиятлар ва бирлашмалар таъқиқланади»** тарзида ёзилиши лозим.

IX бобнинг 37-моддасига «Ўзбекистон Жумҳуриятининг ҳамма фуқаролари дам олиш ҳуқуқига эга» деган қўшимча киритилишини таклиф қиламан.

XII бобга эса хусусий мулк ҳақида алоҳида модда киритилса, мақсадга мувофиқ бўларди.

М. ТУРҒУНОВ,— район агросаноат бирлашмасининг адлия ходими:

— Лойиҳа 92-моддасининг 9-бандида кўрсатилган «Ўзбекистон Республикасининг Бош прокурори ва унинг ўринбосарларини тайинлайди ва лавозимидан озод қилади» деган жумла XVIII боб 75-моддасига ўтказилиб, бундай ҳуқуқ Олий Мажлис ихтиёрига берилиши керак. Акс ҳолда қонунларнинг бажарилишини назорат этувчи орган, бош прокурор қонунларнинг бажарилишини назорат қилиш ўрнига ҳукумат топшириқларини бажариш билан овора бўлиб қолади.

Лойиҳанинг 89-моддасига «Ўзбекистон Республикасининг Президенти лавозимига ўттиз беш ёшдан кичик бўлмаган» жумласидан сўнг **«шунингдек, олтмиш ёшдан юқори бўлмаган»**... фуқаро сайланиши мумкин» деб ёзиш ўринли бўларди.

И. ЖУМАБОЕВ,— район агросаноат комплекси раҳбари:

Лойиҳа 92-моддасининг 7-бандида Президент «Республика Олий Мажлисига ҳар йили ички ва халқаро аҳвол хусусида маълумотнома тақдим этади» жумласида «хусусида» сўзидан кейинги ибора **«ҳисобот беради»** тарзида ўзгартириб ёзилиши керак.

Таҳрирталаб жойлари бор

ЎЗБЕКИСТОН Республикасининг янги Конституцияси лойиҳасидан кўп нарса кутган эдик. Тўғри, лойиҳада эътиборга молик моддалар кўп, бироқ, таҳрирталаб моддалар ҳам оз эмас. Асосий қонунимизни шундай мукаммал қилиб яратайликки, кейин уни ўзгартириб юрмайлик.

Лойиҳанинг 4-моддаси таҳрирталаб. Шу модданинг «Ўзбекистон Республикасининг давлат тили ўзбек тилидир» сўзларидан сўнг **«Ўзбекистон Республикаси ҳудудида миллатлараро муомала тили — ўзбек тилидир»** сўзлари ёзилиши керак. Модданинг шундай талқин қилиниши давлат тилининг тезроқ рўёбга чиқишига ёрдам беради.

89-модда, фикримизча шундай бошланиши керак: **«Ўзбекистон Республикаси Президенти лавозимига ўттиз беш ёшдан кичик бўлмаган, олтмиш беш ёшдан катта бўлмаган, давлат тилини мукаммал биладиган, миллати жиҳатидан ўзбек бўлган, бевосита Ўзбекистон ҳудудида туғилган Ўзбекистон Республикаси фуқароси сайланади».**

Қонун лойиҳасида Бош Вазирнинг ваколатлари тўғрисида ҳеч нарса айтилмаган. Вазирлар маҳкамаси тўғрисида фақат битта модда — 97-моддада таъриф берилган, холос. Ваҳоланки, Бош Вазир лавозими юксак вазифа бўлиб, унинг ваколатлари ҳақида аниқ-равшан айтиш зарур. Лойиҳага Бош Вазир фаолияти ҳақида модда киритилишини таклиф этаман.

Лойиҳадаги 115-модда мужмалдир. У шундай бошланади. «Ўзбекистон Республикасида суд ишларини юритиш ўзбек тилида, қорақалпоқ тилида ёки муайян жойдаги кўпчилик аҳоли сўзлашадиган тилда олиб борилади». Масалан, Олмалиқ, Чирчиқ шаҳарларида рус тилида сўзлашувчи аҳоли кўп. Моддани шундай талқин қилиниши бундай шаҳарлар да давлат тилининг қарор топишига ёрдам бермайди. Модда шундай бошланиши лозим: **«Ўзбекистон Республикасида суд ишларини юритиш давлат тилида, Қорақалпоғистонда шу республиканинг давлат тилида олиб борилади».**

Ўзбекистон Республикаси янги Конституцияси Ўзбекистон Олий Кенгашининг сессиясида муҳокама давомида билдирилган барча фикр-мулоҳазалар инобатга олиниб, қабул қилинади, деб ишонаман.

О. ХУШНАЗАРЗОДА,
Ўзбекистон журналистлар уюшмасининг аъзоси.

ҚОНУНЛАР АСОСИ МАКТАБДА ЎҚИТИЛСА

МАЪЛУМКИ, Конституция аввалгамбор ҳуқуқий ҳужжат сифатида давлатнинг асосий қонунидир. Шу боис ушбу қонунда жамиятнинг ижтимоий, сиёсий, иқтисодий, маънавий, ҳуқуқий тизимлари ўз ифодасини топади. Бинобарин, ушбу ҳужжат жамиятни тартибга солиб, унинг яшаш, ҳаракат қилиш ва ривожланиш мезонларини белгилаб бериши керак. Конституциянинг бу хусусияти унинг бошқа қонунлар учун пойдевор ҳуқуқий тизим асоси эканлигидан далолат беради.

Ўзбекистон Республикасининг янги Конституцияси ўзининг инсонпарвар, демократик характери билан ҳам ажралиб туради. Унда хусусан жамият ва шахс ўзаро муносабатларининг асосий принциплари қисқа, лўнда ва аниқ тарзда ифодаланган. Бинобарин, бевосита ҳаракатда бўлган бу бош ҳуқуқий ҳужжатни олий ва ўрта махсус ўқув юртлари, умумий таълим мактабларида [Конституция асосларн сифатида] махсус курс тарзида ўқитилишини давримиз тақозо этади. Чунки биз қонун устивор бўлган демократик жамиятни қуриш йўлидан борямиз. Афсуски, ҳали ҳуқуқий пойдеворимиз мустаҳкам эмас. Шу боис бу ҳужжатни мактабдан бошлаб ёшларга чуқур ўргатиш керак. Токи ҳар бир фуқаро мактаб партасида ўтирган пайтидан бошлаб шахс сифатида жамият билан ўзаро муносабатнин яъни ўзининг жамият олдидаги бурчи, ҳуқуқи ва масъулиятини аниқ-равшан билиб олиш имкониятига эга бўлсин.

Матлуба ҲОЛИҚОВА,
Тошкент районидаги 10-мактаб директори, Ўзбекистон ХДП аъзоси.

ҚЎЛЛАБ — ҚУВВАТЛАЙМИЗ

ҲЕЧ КИМГА сир эмас, ҳар бир ташкилот, корхона, муассасада, шу жумладан, хўжаликларда ишнинг яхши бўлиши, самарадорликка эришиш у ерда тартиб-интизом, айниқса, молиявий интизомнинг қандай йўлга қўйилганлигига ҳам боғлиқдир. Бу жиҳатдан хўжаликлардаги тафтиш комиссиялари зиммасига ҳам катта ва шарафли масъулият юклатилгандир.

Афсуски, узоқ йиллар давомида бу тафтиш комиссиялари кўп ҳолларда «оёқ-қўли боғланган» ҳолда иш юритишга мажбур бўлиб келдилар. Чунки, бу комиссиялар таркиби ва унинг раиси асосан хўжалик раҳбарининг тавсияси билан кимни айтса, кимни ҳоҳласа ўша раис қилиб сайланар эди. Албатта, бундай ҳолатда тафтиш комиссияси раиси хўжалик раҳбарининг айтган чизиғидан чиқмасди. Чуқур текшириш ўтказилмасди. Ўтказилган текширишлар эса хўжакўрсинга, у йиғилишдан бу йиғилишга, шунчаки ҳисобот бериб қўйиш учун амалга ошириларди. Бунинг оқибатида молиявий бузилишларга ҳам йўл қўйиларди.

Аслида назорат комиссиясининг фаолияти бутунлай бошқача бўлиши талаб этилади. У жамоа хўжаликларида назорат органи сифатида ўз фаолиятида деҳқонларнинг кенг оммасига ва фаолларга, ишлаб чиқариш илғорларига таянган ҳолда иш олиб бориши, ҳамиша жамоа хўжалигининг намунавий устави талабларига риоя этилишни таъминлаши, мулкнинг дахлсизлигини ҳимоя қилиши, хўжасизликка, исрофгарчиликка, давлат ва меҳнат интизомининг бузилишига қаршн кураш олиб бориши керак.

Бундан буён тафтиш комиссиялари ана шундай фаолият кўрсатибгина ўз мавқеларини мустаҳкамлашлари, обрўларини оширишлари мумкин. Бошқа йўл йўқ. Чунки, биз бозор иқтисодиётига ўтиш шароитида яшаяпмиз. Шу муносабат билан Ўзбекистон Қишлоқ хўжалиги вазирлиги шу йилнинг май ойида чиқарган буйруғига асосан давлат органи бўлган вилоят деҳқончилик уюшмаларидаги назоратчи-тафтиш бўлимлари мутахассислари томонидан жамоа хўжаликларининг хўжалик-молия фаолиятини тафтиш қилиш (1992 йил 1 июлдан бошлаб) ман этилганлигини **айтиб** ўтиш керак. Бу **вазифани** бажариш эса тўлалигича жамоа хўжаликларининг тафтиш комиссиялари зиммасига юклатилди. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси лойиҳасини диққат билан ўқиб чиқар эканман, 13-боб 57-моддасининг 2-бандида **«Давлат органлари ва мансабдор шахсларнинг жамоат бирлашмалари (жамоа хўжаликлари ва бошқалар) фаолиятига аралашишига, шунингдек, жамоат бирлашмаларининг давлат органлари ва мансабдор шахсларнинг фаолиятига аралашишига йўл қўйилмайди, деб кўрсатилганлигини»**, жуда ўринли деб ҳисоблайман. Бу билан четдан келиб ўтказиладиган ҳар хил асоссиз текширишларга, аралашувчиларнинг олди олиниши турган гап. Хўжаликлар, шу жумладан, тафтиш комиссиялари мустақиллиги, уларнинг бурч ва масъулияти давлатимизнинг асосий қонуни бўлган конституцияда ўз юридик ифодасини топиши айни мақсадга мувофиқдир. Буни бутун жамоа хўжаликлари меҳнаткашлари қўллаб-қувватламоқдалар. Ўйлаймизки, Конституция қабул қилиниб, кучга киргач, жамоа хўжаликлари аъзоларининг ҳуқуқлари давлат ташкилотлари, мансабдор шахслар томонидан бўлар-бўлмасга бузилишига чек қўйилади.

Н. МУМИНОВ,
Тошкент вилояти жамоа хўжаликлар кенгаши раисининг муовини, жамоа хўжаликлари бўлими бошлиғи.

ҚОМУСИМИЗ МУКАММАЛ БЎЛСИН

ВИЛОЯТ ички ишлар бошқармаси маъмурияти ходимларининг ҳар душанба куни ўтказиладиган ўқувида бу гал Ўзбекиситон Республикасининг Конституцияси лойиҳаси муҳокама этилди. Унда Ўзбекистон фанлар Академияси фалсафа ва ҳуқуқшунослик институти кафедраси мудири, ҳуқуқшунослик фанлари доктори М. Файзиев қатнашиб, конституциялар яратиш тарихи, Ўзбекистон Конституцияси лойиҳасини тузиш бўйича олиб борилган изланишлар, амалга оширилган ишлар тўғрисида қизиқарли мисоллар асосида ҳикоя қилиб берди.

— «Инсон ва фуқароларнинг асосий ҳуқуқлари, эркинликлари ва бурчлари» бўлими моддалари «Инсон ҳуқуқлари Декларацияси» асосида тузилди,— деди ўз сўзида М. Файзиев.— Конституция лойиҳасида биринчи марта «Ҳеч ким қонунга асосланмаган ҳолда қамалиши ёки ҳибсга олинишн мумкин эмас» (24-модда) деб ёзиб қўйилди. Энди жиноят содир этганликда айбланаётган ҳар бир шахс унинг айби қонуний тартибда, судда ошкора кўриб чиқилиб, аниқламаганга қадар айбдор эмас, деб ҳисобланади. (25-модда). Адвокат ҳам бир қатор ҳуқуқларга эга бўлди.

М. Файзиев Конституция лойиҳасидаги барча моддаларни батафсил шарҳлаб, ўз фикр-мулоҳазаларини айтди.

Мен лойиҳа муҳокамасида сўзга чиқиб: «Конституция лойиҳасида ички ишлар идораларига ҳам алоҳида ўрин берилиб, буларнинг ҳаммаси «Ҳуқуқ-тартибот, мудофаа ва ҳавфсизлик идоралари» бобига бирлаштирилса мақсадга мувофиқ бўларди», деган таклифни айтдим. Менимча, ички ишлар идораларининг Конституция лойиҳасида эътиборга олинмаганлиги ўринли эмас. Шу боис бўлса керак, «Милиция ҳақидаги Қонун» ҳали ҳам лойиҳа ҳолида ётибди, «Прокуратура ҳақидаги Қонун» лойиҳаси қайта ишлашга юборилди. Қонун милиция ҳақида эмас, балки ички ишлар идоралари ходимлари ҳақида бўлиши лозим. Шунингдек, милиция ходимларининг фақат маошларини оширибгина қолмасдан, уларга уй ва дала ҳовлилар қуриш, боғча, лицей, интернатларга ҳақ тўлашда имтиёзлар яратиш керак.

Бу гапларни нима учун айтаяпман? Ички ишлар ходимлари жиноятчилар тиштирноқларигача қуролланган бир пайтда уларга қарши мардона курашмоқдалар. Уларнинг ҳуқуқ ва имтиёзлари кенгайтирилсагина жиноятчиликка қарши кураш самарали бўлади. Афсуски, милиция ходимлари илгари автобусларда бепул юрган бўлсалар, эндиликда ҳамма қатори пул тўламоқдалар. «Милиция ходимларини ижтимоий ва ҳуқуқий жиҳатдан ҳимоялашни кучайтириш ҳақида»ги 1990 йил 31 октябрдаги Ўзбекистон Республикаси Қонуни талаблари бажарилмаяпти. Унда хизмат пайтида ҳалок бўлган ёки ҳар хил даражада тан жароҳати олган милиция ходимларига компенсация пули тўлаш лозимлиги айтилган Суғурта идоралари эса бу ҳақда тегишли топшириқлар олмаганмиз, деб баҳона қилишмоқда.

Иқтисодий жиноятларга қарши кураш бошқармасининг муҳим ишлар бўйича катта инспектори, милиция майори Комил Турсунов:

— Шунга ҳаракат қилишимиз керакки, асосий Қонунимиз йиллар ўтиб, эски Конституциямиз ҳолига тушиб қолмасин, жамиятимиз тараққиёти жараёнларига ҳамиша мос келсин, халқимизнинг яшаш шароити, урф-одатларига, миллий хусусиятларига мос бўлсин.

Йиғилишда Конституция лойиҳасида жамиятимизнинг қайси йўлдан бориши ўз ифодасини топиши лозим. деган мулоҳаза айтилди. Конституциямиз шундай тузилсинки, нелгусида унга ўзгартишлар киритилмасин, у ҳаммамиз учун асосий ҳаракат дастури бўлиб қолсин.

Лойиҳа муҳокамасида вилоят давлат автомобиль назорати бошқармаси бошлиғи, милиция подполковниги С. Азаматов, тергов бошқармасининг муҳим ишлар бўйича бош терговчиси, милиция майори Ю. Худойбергановлар иштирок этиб, ўз фикр-мулоҳазаларини билдирдилар.

М. МИРСОВУРОВ,
вилоят ички ишлар бошқармаси шахсий таркибни ижтимоий ва ҳуқуқий ҳимоялаш бўлими бошлиғининг ўринбосари.

ҲОКИМЛАР ҲИСОБОТ БЕРМОҚДАЛАР

Вилоятимизнинг барча шаҳар ва районларида халқ депутатлари Кенгашларининг сессиялари бўлиб ўтмоқда

ИҚТИСОДИЁТ — ФАРОВОНЛИК АСОСИ

ХАЛҚ хўжалигининг барча тармоқларида бозор муносабатларининг таркиб топаётганлиги шароитида аҳоли турмуш даражасининг кескин пасайишига йўл қўймаслик учун барча чора-тадбирларни кўриш, ҳамма омиллар ва имкониятлардан аниқ мақсадни кўзлаб, оқилона фойдаланиш, айни вақтда туман иқтисодиёти, маданияти ва бошқа барча соҳаларининг тараққий этишини таъминлаш шу куннинг муҳим вазифаси бўлиб қолди. Бунинг учун туман олдида турган асосий ишлар нималардан иборат, биринчи навбатда қандай муаммоларни ҳал қилишга эътиборни қаратиш керак, уларни ҳал қилиш учун қандай чора-тадбирлар кўриш керак? Халқ депутатлари Юқоричирчиқ тумани Кенгашининг навбатдаги сессиясида шу масалаларга катта аҳамият берилди, уларни ҳал қилишга қаратилган таклиф-мулоҳазалар, фикрлар баён этилди.

Сессияда туман ҳокимлигининг бир йиллик фаолияти ҳақида маъруза қилган Юқоричирчиқ тумани ҳокими **Т. Х. Холтоев** ва музокараларда сўзга чиққан нотиқлар шуни таъкидладиларки, халқ фаровонлигини оширишга қаратилган маблағлар илгари давлат бюджетидан ажратиларди, ҳозирги бозор иқтисодиётига ўтиш даврида бундай ёрдамга суяниш тўғри бўлмайди, бунинг учун аввало туман меҳнаткашлари ўз куч-ғайратларига, ўзларига ишонишлари, ўзлари ҳаракат қилишлари керак. Олма пиш, оғзимга туш деб юрадиган вақтлар ўтиб кетди, ўзинг учун ўл етим қабилида иш юритиш лозим.

Туман иқтисодиёти деҳқончилик ва чорвачилик маҳсулотларини етиштиришга ихтисослашган. Бу ерда етакчи тармоқлар ҳисобланади. Халқ турмуш даражаси ҳам асосан шу соҳадаги ютуқлар ва камчиликларга боғлиқ. Деҳқончилик ва чорвачилик тараққий этса фаровонлик ҳам яхшиланади. Шу сабабли ҳисобот даврида деҳқончиликни ривожлантиришга қаратилган қатор чора-тадбирлар кўрилди.

Деҳқонлар пилла, сабзавот, полиз экинлари, каноп дан яхши ҳосил етиштирдилар. Қатор хўжаликлар бу йилги ниҳоятда қийин об-ҳаво шароитларига қарамай, «оқ олтин»дан дуруст ҳосил олдилар. Жумладан, «Дўстлик», А. Яссавий номли, Жамбул номли жамоа хўжаликлари деҳқонлари етиштирилган пахта ҳосилини қисқа муддатларда териб олдилар ва давлат режаларини ошириб адо этдилар.

Ўтган йили туман бўйича хўжаликлар ихтиёрида қолган барча пахта толаси сотилса 107 миллион 413 минг сўм соф даромад олиниши кутилмоқда. Унинг сотилган қисмидан тушган маблағ ҳисобига туман бўйича 32 километр узунликда газ қувурлари, 25 километр атрофида ичимлик суви келтириш учун қувурлар тортилди.

Сессияда таъкидланганидек, агар туман бу йил пахта бўйича давлат режасини бажарса сал кам саккиз юз миллион сўм даромад олади. Шунинг учун пахта ҳосилининг охирги чаноқларигача териб олиш лозимлиги алоҳида таъкидланди. Бу йил пахта ва сабзавот етиштиришда қолоқликка йўл қўйиб, туманни орқага сураётган «Ўзбекистон», «Ийк ота», «Юқоричирчиқ» жамоа хўжаликлари раҳбарликлари танқид қилиндилар.

Сессияда чорвачиликда ташвишли аҳвол таркиб топганлиги, чорвачилик маҳсулотлари етиштиришда, ҳар бир соғин сигирдан сут соғиб олишда орқага кетиётганлиги, бу тармоқ бўйича тўққиз ойлик режа уддаланмаганлиги, бу билан туман чорвачиликни ривожлантиришдаги илгариги шуҳратини йўқотаётганлиги афсусланиб гапирилди.

Маърузада ва сўзга чиққан нотиқлар ўз сўзларида туман иқтисодиётининг бошқа тармоқлари ва маданиятини ривожлантиришдаги ютуқлар ва камчиликлар ҳам қайд қилиб ўтилди. Қийин иқтисодий шароитларга қарамай туманда капитал қурилиш ишлари давом этмоқда. Шу йилнинг ўтган уч чорагида ўттиз тўрт ярим миллион сўмлик маблағ ўзлаштирилди. Унинг олтмиш фоизи уй-жойлар, мактаблар, мактабгача ёшдаги болалар муассасалари, маданият, соғлиқни сақлаш бинолари, коммунал хўжалик жойлари, газ, ичимлик суви келтириш, йўлларни тартибга солишга сарфланди. Марказлашган маблағ ҳисобига бир минг тўрт юз квадрат метр саҳнли уйлар фойдаланишга топширилди. 476 кишига уй қуриш учун жой берилди, уларга турар-жойларини тиклашларида баҳоли қудрат ёрдам кўрсатиляпти.

— Туман солиқ назорати ходимлари, — деди музокарада биринчи бўлиб сўзга чиққан шу идора бошлиғи **Т. Отабоев**, — бюджетнинг даромад қисмини кўпайтиришга муайян даражада улуш қўшмоқда. Бу кўрсаткич бўйича режани анча ошириб адо этдик. Қўшимча маблағ миқдори режадагига нисбатан 23 фоизни ташкил этди. Бу ўнларча миллион сўм қўшимча даромад демакдир.

Нотиқ ўз сўзини давом эттирар экан, кўрилаётган даромадлар, олинаётган соф фойдани яшириш ҳоллари борлигини, жойларда ўтказилаётган текширишлар натижаси шундан далолат бераётганлигини айтди. Жумладан, 69 та корхона, хўжалик, ташкилот ва муассасаларда ўтказилган текшириш туфайли беш миллион сўмлик даромад яширилганлиги аниқланди. Унинг айбдорлари бўлган бир юз йигирма тўққиз нафар мансабдор шахсларга 65 минг 200 сўмлик жарима солинди ва улар бунинг учун пулни ўз ҳамёнларидан тўлашга мажбур қилинди.

Маъруза юзасидан музокарада қатнашган туман халқ таълими бўлими мудири **Т. Норматов**, туман молия бўлими мудири **З. Рашидова**, Тинчлик қишлоқ шўроси раиси **А. Ибрагимов**, Янгибозор қўрғон шўроси раиси **Л. Заяддинова**, туман давлат назорати бошлиғи **М. Ёқубов**, туман ички ишлар бўлими бошлиғи **С. Темировлар** ҳам туманда иқтисодий ва сиёсий аҳволни яхшилаш, иқтисодиёт ва маданиятнинг турли тармоқларини ривожлантириш, ҳамма жойда тартиб-интизомни мустаҳкамлаш, фуқароларнинг амалдаги қонун-қоидаларга риоя қилишларини кучайтириш, туман турмушининг бошқа соҳаларида иш аҳволини яхшилаш масалалари ҳақида тўхталдилар.

Сессияда Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгашининг биринчи котиби **М. Расулов** қатнашди ва нутқ сўзлади.

Сессия ишида Ўзбекистон ХДП Тошкент вилоят кенгашининг биринчи котиби **Ў. Турғунов**, вилоят ҳокимлиги котибияти бошлиғи **Р. Турсуновлар** иштирок этдилар.

М. МИРҲАМИДОВ,
С. ЕЖКОВ.

Янгийўл ёғ-мой комбинати 70 ёшда

ЯНГИЛАНИШ ЙЎЛИДАН

Ёғ-мой комбинатини Янгийўлдагина эмас, айни вақтда вилоятимиздаги кекса корхоналар сафига қўшишларида жон бор, albatta. Аслида ҳам шундай. Янгийўлда саноат маҳсулоти ишлаб чиқариш йўлга қўйилишининг дастлабки одимлари шу корхона номи билан боғлиқ десак муболаға қилмаган бўламиз. Унинг «юраги» мана етмиш йилдан бери тўхтовсиз уриб турипти. Оддий чигитдан халқ хўжалиги ва аҳоли эҳтиёжи учун зарур бўлган бир неча хил маҳсулот ишлаб чиқарилмоқда. Комбинат дарвозасидан хом ашё ортиб келаётган ва тайёр маҳсулотни олиб кетаётган автомашиналар карвони бир зум ҳам тинмайди, куну тун қатнайди. Бу ерда ҳар куни юзлаб тонна хом ашё қайта ишланиб, тонна-тоннолаб тайёр саноат маҳсулотлари буюртмачилар манзилгоҳи томон жўнатилади.

Корхона цехларида меҳнат қилаётган турли миллатга мансуб бўлган кишилардан иборат жамоа, айни вақтда ўзининг аҳил ва иноқлиги, меҳнатсеварлиги, зиммасидаги вазифаларни сидқидилдан бажариши билан шуҳрат қозониб келди. Ҳозирги мураккаб бозор иқтисодиёти шароитларида ҳам ишлаб чиқариш бир маромда давом этмоқда. Янги ҳосил чигитидан мой, совун каби кенг истеъмол моллари, чорвачилик учун зарур бўлган шулха, кунжара, техникавий мақсадларда ишлатиладиган қатор бошқа маҳсулотлар тайёрламоқдалар. Вилоятимизнинг ҳар бир оиласи қозонини янгийўлликлар қўлидан чиққан мойсиз тасаввур қилиб бўлмайди. Айни вақтда улар, ишлаб чиқараётган маҳсулотлар жумҳуриятимизнинг ўнлаб, юзлаб шаҳар ва қишлоқлари аҳолисига ҳам етказиб бериляпти.

Комбинат жамоаси етмиш йил давомида катта ва шонли меҳнат йўлини босиб ўтди. Корхонанинг ҳозирги қиёфасини, унда қўлланаётган технологияни, жамоа хизматида бўлиб сғирини енгил қилаётган асбоб-ускуналарни унинг дастлабки вақтдагилари билан умуман таққослаб бўлмайди. Ўтмишда ҳамма жараёнлар бўлмаса ҳам аксарият кўпчилиги қўл кучига асосланган эди, юкчилар кўпчиликни ташкил этарди. Маҳсулот ҳам ниҳоятда кам ҳажмда ишлаб чиқариларди.

Республикамизда пахтачиликнинг ривожланиши билан ёғ-мой саноати ҳам юксалиб бораверди. Бу тармоқнинг ўша вақтдаёқ етакчи корхоналаридан бири бўлган комбинат ҳам муттасил кенгайтирилди. Унинг бағрида янги-янги ишлаб чиқариш бинолари қад кўтарди, эскилари қайтадан қурилди. Асбоб-ускуналар саройи ҳам тўхтовсиз такомиллашиб борди. Замонавий, фан-техниканинг энг сўнгги ютуқлари асосида яратилганлари ишга туширилиб борилди. Айниқса, ишчи-хизматчиларни оғир, машаққатли қўл кучи билан ишлашдан халос қилиш, асосий жараёнларни машина-механизмлар зиммасига юклаш, ишлаб чиқаришни механизациялаш ва автоматлаш бўйича ишлар кенг кўламда олиб борилди. Ҳатто чет эллардан келтирилган асбоб-ускуналар ҳам ўрнатилиб, ишга туширилди. Бу йўлда узоқ йиллар давомида амалга оширилган тадбирлар самараси салмоқли бўлмоқда. Қўл кучи сарфи кескин камайди. Ишчи-хизматчилар оғир юмушларни бажаришдан халос бўлдилар. Деярли барча жараёнлар конвейерларда, замонавий технология асосида олиб борилмоқда.



Корхона тарихи 1922 йилдан бошланади. Ўша вақтда кичик ёғ заводи Қовунчи қишлоғида ташкил этилган эди. Унда бор-йўғи 8 та ёғ пресси ишлар эди. 1956 йилда корхона Янгийўл шаҳрига кўчирилди, уни кенгайтириш ишлари амалга оширилгач орадан тўрт йил ўтгандан кейин комбинатга айланди. Унинг таркибига Алимкент ёғ заводи ҳам қўшилди. Ҳозирги вақтда комбинатда бир кеча-кундузда 560 тонна чигит қайта ишланмоқда. Ишлаб чиқарилаётган кир совун миқдори 50 тоннага етди. Тозаланган ёғ тайёрлаш эса кунига 120 тоннани ташкил этмоқда.

Комбинат рентабелли корхона ҳисобланади. Ҳар йили миллион-миллион сўмлаб соф фойда олинмоқда. Унинг аксарият қисми ижтимоий муаммоларни ҳал қилишга сарфланяпти. Комбинатнинг ўз ёрдамчи хўжалиги бор. Бу ерда кўплаб чорва бўрдоқига боқилаяпти. Улар сўйилиб, ҳар ойда корхона ишчи-хизматчиларига мунтазам икки килограммдан гўшт тарқатиляпти. Унинг нархи давлатникига нисбатан ҳам тўрт баравар арзон бўлиб, 20 сўм туради. 180 ўринли иккита болалар боғчаси ишчи-хизматчилар фарзандларини ўз бағрига олган. Тоғнинг ҳушманзара жойида спорт-соғломлаштириш лагери ташкил этилди. Бу ерда ҳар йили юзлаб ишчи-хизматчилар фарзандлари ўз таътилларини ўтказадилар. Шаҳардан ташқарида дам олиш базаси ишлаб турипти. Корхона ишчи-хизматчилари бу ерда ўз болалари билан таътилларини ва дам олиш кунларини ўтказмоқдалар. Сўнгги икки йил ичида 40 оила янги хонадонлар олди.

Етмиш йил тарих учун денгиздан бир томчидек гап. Янгийўл ёғ-мой комбинати учун эса беқиёс юксалиш йиллари бўлди. Бугун унинг жамоаси шу босиб ўтилган йўлга бир назар ташламоқда, уни сарҳисоб қилмоқда, айни вақтда у келажакка нигоҳ ташламоқда, бундан кейинги одимлар ҳам самарали, кўнгилдагидек бўлиши режаларини тузмоқда.

Бугунги қутлуғ сана билан комбинатга табрик мактубларини, телеграммаларини узлуксиз келиб турибди. Бизнинг таҳририятимиз қаламкашлари ҳам комбинат жамоасини қизғин муборакбод қилар экан, унинг барча ишчи-хизматчиларига меҳнатда, халқ ризқ-рўзи чашмаларининг бири сифатида корхона шуҳратини оширишда катта-катта ютуқлар, оилавий бахт-саодат, соғлиқ-саломатлик тилайдилар.

М. МАҲМУДОВ.
У. ШАРОПОВ.

СУРАТЛАРДА: комбинат директори Ўзбекистон Республикаси Халқ депутати Маҳамаджон Худоёров ишлаб чиқариш билан боғлиқ бўлган масалаларни кўпинча бевосита цехларда жамоа билан фикрлашиб ҳал қилишга одатланган (юқорида); корхонанинг совун қайнатиш цехи ва ёрдамчи хўжалигидан олинган лавҳалар (пастда).

Суратқаш Ф. ҚУРБОНБОЕВ.

(ЎзА).

• Ишбилармонлик—давр талаби

«РАУФ-ИКРОМ» ФИРМАСИ

Аҳолига 18 миллион сўмлик хизмат кўрсатди

ЧИНОЗ туманида кичик корхоналар, ширкату фирмалар йил сайин кўпайиб бормоқда. Уларнинг айримлари аҳолининг турли эҳтиёжларини қондиришга, оғирини енгил қилишга муносиб ҳисса қўшмоқда. Чунончи, ўндан тўрт йил илгари ташкил этилган «Рауф-Икром» фирмаси ҳақида шундай дейиш мумкин.

Олмазор қўрғонида илгари унинг ўрнида бинокорлик материаллари ва ёғоч-тахта билан савдо қилувчи магазин ишлар эди. Дастлаб у харидорлар билан гавжум бўлганлигини яхши эслаймиз. Кейинчалик савдо базаси томонидан материаллар билан яхши таъминланмай қолди, режа уддаланмайдиган бўлди. Аҳолининг талаб ва эҳтиёжини қондириш мақсадида ишбилармон савдо ходими Абдурауф Латифжонов ва Пахта кабель заводи директори Икром Дадамуҳамедовлар дўконни фирмага айлантиришга киришишди. Дастлаб «Рауф-Икром» фирмасини ташкил этиш осон бўлмади. Жуда кўп тортишишлар, қаршиликлар бўлди. Хайрли ишда ортга чекиниш бўлмади. Натижада улар шу йил март ойидан бошлаб собиқ бинокорлик материаллари ва ёғоч-тахта билан савдо қилувчи дўконни фирмага айлантиришди.

Дастлаб фирмага пайчилар жалб қилинди. Уларнинг баҳоли қудрат берган маблағлари ҳисобига ёғоч, тахта ва бошқа қурилиш материаллари олиб келиниб, аҳолига сотилди. Пайчилардан бир миллион сўмдан ортиқ маблағ тўпланди. Улар сафи ҳозирга келиб 30 нафарга етди.

Ҳозир барча соҳаларда муаммолар кўплиги ҳеч кимга сир эмас. Айниқса, қурилиш материаллари жуда танқис. Шунга қарамай, фирма жамоаси Россия Федерациясидаги корхоналар билан тўғридан-тўғри тижорат шартномаларини тузган. У ерлардан бетўхтов қурилиш материаллари келиб турипти. Қисқа муддат ичида фирма аҳолига 18 миллион сўмлик савдо хизмати кўрсатишга муваффақ бўлди. Асосан бинокорлик материаллари савдоси билан шуғулланилди.

Фирма ташкил этилгандан буён аҳолига сотилган ёғоч-тахта ҳажми 1500 куб метрни ташкил этди. Бундан ташқари 20 минг дона шифер, 280 тонна цемент сотилди. Ҳозир фирмада фанер, пайрахадан елимлаб тайёрланган плиталар ва бошқа қурилиш материаллари ҳам сотиляпти.

— Бу фирманинг ташкил этилиши,— дейди харидор, туман электр тармоқлари нурчиси Комилжон Азизхўжаев,— ўй-жой қураётган аҳоли учун жуда қўл келди. Очиғи, илгари камёб моллар яширилиб сотиларди. Баъзан савдогарлардан сотиб олардик. Ҳозир бу фирмада қурилиш материалларининг барча турларини истаган пайтингизда оласиз. Фирма жамоасига раҳмат...

Ҳа, бундай илиқ гапларни бошқа кўплаб харидорлар ҳам айтишди.

— Фирмамизда 12 киши меҳнат қилади,— дейди фирма раҳбари А. Латифжонов.— Биз аҳолига қанчалик кўп ва сифатли маҳсулот етказиб берсак савдо ҳажми ошиб, шунча кўп фойда кўрамиз, фаолиятимиз миқёсларини янада кенгайтирамиз. Пахта кабель заводи жамоаси ишимизни жонлантиришга яқиндан ёрдам беряпти. Туман ҳокимлиги ҳам фирмамиз ишини қўллаб-қувватлаб, амалий кўмагини аямаяпти.

Ҳақиқатан ҳам фирма жамоасининг амалга ошираётган ишлари таҳсинга лойиқдир. Айни пайтда қурилиш материаллари келтиришни янада кўпайтириш учун маҳсулот айрибошлаш усули кенг қўлланиляпти. Ҳозиргача аҳолидан 50 тонна пиёз қабул қилинди. У собиқ қардош республикаларга тузилган шартномаларга биноан жўнатиляпти. Ўз навбатида улардан ёғоч, тахта ва бошқа қурилиш материаллари келтирилаяпти.

Фирма қошида бинокорлик материаллари дўкони мавжуд. Бу ердан истаган нарсани харид қилиш мумкин.

Фирма жамоаси яна бир хайрли ишга қўл урди. Улар фақат тижоратчиларгина бўлиб қолмай, қурилиш ишларини ҳам амалга оширишмоқда. Ҳозир Эски Тошкент қишлоғи марказида икки қаватли, фойдали саҳни 1100 квадрат метр бўлган универсал савдо маркази қурилишини бошлаб юборишди. Уни 1993 йил сентябрь ойида фойдаланишга топширишни мўлжаллашмоқда.

— Ишимизни жуда яхши дея олмайман ҳали,— дейди Абдурауф.— Муаммоларимиз ҳам йўқ эмас. Ҳозир ҳамма жойда маҳсулот олиш учун аввалдан пул ўтказиш йўлга қўйилган. Шунинг учун шартномадаги айрим қурилиш материалларини ололмаяпмиз. Бунинг учун пайчилар сафини кенгайтиришимиз керак. Агар улар кўпайиб, бераётган ёрдамлари ошса кўнгилдагидек бўларди. Молиявий-иқтисодий имкониятимиз орта бизда ҳам аҳолига хизмат кўрсатиш даражаси ҳориждагига тенглашиб қоларди.

Абдурауф Латифжонов ўтган йили ёзда Грециядa бир ойдан ошиқ бўлди. У ерда аҳолига савдо хизмати кўрсатишнинг аҳволи билан қизиқди. Айтишича хизмат даражаси жуда юқори поғонага кўтарилган. Сотувчилар харидорлар билан самимий мулоқотда бўлишади. Харидорлар буюртмалари дарҳол ҳисобга олиниб, уйларига элтиб бериш ташкил этилган. Фирма жамоаси ҳам аҳолига савдо хизмати кўрсатишни ҳорижликлар тажрибаси асосида янада такомиллаштиришни дилга маҳкам жо қилиб олди. Бу ишда уларга муваффақиятлар ёр бўлишини истаймиз.

Т. ЭРҲУЖАЕВ.

ФЕСТИВАЛДАН ФЕСТИВАЛГА

ФИНЛЯНДИЯНИНГ Таннер шаҳрида ўтказиладиган йирик кинофестивалга энг яхши фильмлар танлаб олишга киришилди. Келгуси йилнинг баҳорида очиладиган бу ижодий кўрикка истеъдодли ёш кинорежиссёр Б. Музаффаров суратга олган «Руҳ» тўлиқ метражли экран асари ҳам тақдим этилди.

Гап шундаки, яқинда Туркманистоннинг Ашгабат шаҳрида бўлиб ўтган кинофестивалда ўзбек адабиётининг йирик намояндаси ёзувчи Абдулла Қодирий қисматига бағишланган бу ғоят таъсирчан лавҳаларга бой лента ҳам муваффақият қозонди. Шу фестивалда қатнашган фин киноарбобларига ҳам бу экран асари манзур бўлди. Шу сабабли ҳам улар ўзбек кино санъаткорини табриклаб, ушбу фильмни Финляндияга олиб кетиш истаги борлигини айтдилар.

«Руҳ» фильмини Финляндия телевиденнеси орқали намойиш қилиш кўзда тутилди. У Таннер кинофестивалида эса асосий фильмлардан бири сифатида мухлисларга тақдим этилади.

А. АКБАРОВ.

ҲОРИЖДАН ХАБАРЛАР

● **ШИМОЛИЙ Атлантика Иттифоқининг олий даражадаги сиёсий раҳбари Манфред Вёрнер биринчи марта Россия қўшинлари жойлашган ҳудудга ташриф буюрди. Шундан сўнг М. Вернер Россиянинг ҳориждаги қўшинлари қўмондонлари билан учрашув ўтказди. Мен бу ерга, — деди М. Вёрнер, — мухолиф сифатида ёки сирасини айтганда, душман сифатида келганим йўқ. Менинг тимсолимда ҳамиша ўз қўлини чўзадиган шерикни кўришларингизни истар эдим. НАТО Бош котиби енгилган армия қисмлари орасига келмаганлигини айтиб, балки, шоншуҳрат билан Германия ҳудудини ташлаб кетаётган ҳарбийлар билан мулоқотда бўлиш учун келганлигини таъкидлади. Шимолий Атлантика иттифоқи, — деди у, — ўзи учун бир томонлама наф орттириш мақсадини ёхуд Россияни яккалаб қўйиш ниятини амалга оширмоқчи эмас. Бизга энг керакли бу — тинчлик, ўзаро тушуниш ҳамда ҳамкорликдир.**

● **АМЕРИКАНИНГ ҳарбий маҳкамаси — Пентагон яқинда Италия маъмурлари билан Барий шаҳри жанубидаги ҳарбий ҳаво кучлари базаларидан АҚШ фойдаланиши мумкинлиги тўғрисидаги битимга имзо чекди. Бу ҳолат собиқ Югославияда халқаро эътиборга молик кенг қамровли ҳарбий ҳаракатлар бошланган тақдирдагина кучга кириши мумкин, деб таъкидланди имзо чекиш пайтида. Бу ҳақда «Тайм» ҳафтаномаси хабар берди.**

● **ЯПОНИЯ илмий-техника бошқармаси қатор нуфузли япон олимларига илмий-техника тараққиётининг истиқболига доир бир неча саволлар билан мурожаат этди. Олинган жавоблар жаҳон жамоатчилигини қизиқтираётир. Жумладан, олимларнинг тахмини қилишича, кашфиётларнинг кўпчилиги 2010 йилгача дунёга келади. Масалан, вулқон отилишини аввалдан айтиб бериш илмий йўлга қўйилади. 2011 йилда Токио билан Лос-Анжелес шаҳри оралиғидаги масофани Тинч океан орқали икки соат мобайнида босиб ўтадиган янги учиш воситалари яратилади. Мутахассисларнинг ишонтиришига қараганда, 2013 йилга бориб ракетанинг олдини оладиган ва уни даволашга кўмаклашадиган янги дори-дармонлар ишлаб чиқилади. Икки йилдан сўнг эса ойда доимий қўналғалар қуриш имконияти пайдо бўлади. Япон олимлари 2018 йилда Миррих сайёрасига қўнишни мўлжалламоқдалар. 2020 йилда эса беморларга ва қариялларга ёрдам берувчи юпатгич-роботлар сотувга чиқарилади. Башариятга даҳшат солиб турган СПИД касаллиги 2006 йилда барҳам этилади, 2001 йилга бориб эса инсон ички аъзоларини кўчириб ўрнатиш оддий амалиёт воситасига айланиб қолади.**

Юқорида тилга олинган фаразларнинг қанча фоизи амалга ошади, буни ҳозирдан айтиб бериш қийин. Чунки, 1971 йилда ўтказилган сўров мобайнида олға сурилган фаразларнинг атиги 28 фоизигина амалга ошган эди.

● **АҚШ раҳбариятининг шахсий хавфсизлигини таъминлаш масъулияти юклатилган Америка Қўшма Штатлари махфий хизмат маҳкамалари баъзи америкалик зобитлар яқинда сайланган Президент Билл Клинтонни ўлдирамиз, деб таҳдид солгани учун текширув ишлари ўтказишга қарор қилди. Бизнинг муҳофазамизда бўлган арбобларга қарши қаратилган ҳар бир дўқ-пўписа зудлик билан текшириб чиқилиши керак, — деди махсус хизмат маҳкамаси вакили Гейл Мур. —Чунки, биз ҳар қандай таҳдидни жиддий, деб тушунамиз.**

● **ШРИ-ЛАНКА ҳукумати Коломбо дорилфунунини номаълум муддатгача ёпиб қўяжаклигини эълон қилди. Олий таълим вазири А. К. Хамид яқинда Парламентда талабалар ўқув дастурини бироз енгиллатиш мақсадида қайта кўриб чиқиш талабини илгари сурганн ва бу масала атрофида ташвиқот авж олдириб юборилгани ҳукуматни юқоридагича қарор қабул қилишга мажбур этди.**

● **ГРЕЦИЯДА энг кекса кишн ҳисобланган Эвангелос Забетакис 114 ёшида вафот этди. У бутун умрини Крит оролидаги унча катта бўлмаган қишлоқда яшаб ўтказди. 1878 йилда таваллуд топган Забетакис кўп йиллар мобайнида мактабда ўқитувчилик қилди, икки марта Болқон урушида қатнашди, қариган чоғида эса боғдорчилик билан шуғулланди. Муборак ёшга кирган отахон умуман чекмаган, фақат овқатдан кейин бир пиёлагина май ичишни ўзига одат қилиб олган эканлар.**

● **ВЕНЕСУЭЛАДАГИ ҳарбий давлат тўнтаришига уриниш натижасида 200 га яқин киши ҳалок бўлди ва 500 га яқин одам яраланди. Мамлакатнинг 10 нафар офицери фитнага раҳбарлик қилганликда айбланмоқда. Улар эндиликда ҳарбий трибунал олдида жавоб бераднлар.**

● **ҲИНДИСТОНДА биринчи марта 22 нафар ҳинд қизи олий ҳарбий-денгиз ўқув юрти остонасига қадам қўйди. Улар олий ҳарбий-денгиз академиясининг биринчи босқичига лейтенант унвонида қабул қилиндилар. Бу воқеа Ҳиндистонда аёлларнинг эркаклар билан тенг ҳуқуқли бўлишга интилиши кун сайин ошиб бораётганлигини кўрсатади.**

ҲОРИЖДАН ХАБАРЛАР

ХИЗМАТГА ОТЛАНИШДИ

● МУСТАҚИЛ Ўзбекистон — ватаним маним. Юртимизни ҳимоя қилиш жумҳуриятимиз ҳар бир ўғлонининг муқаддас бурчи. Бу йил йигитларни ҳарбий хизматга кузатиш ўзгача руҳ касб этди. Йигитларни ватан ҳимоясига чақириш тадбирлари вилоятимизнинг Қибрай туманида айниқса, зўр кўтаринкилик ва уюшқоқлик билан ўтказилди. Сиз кўриб турган ушбу суратларда йигитларни ҳарбий хизматга кузатиш маросимидан лавҳалар акс этган.

Суратқаш Р. ШАРИПОВ.

*

• Она ҳақида сўз •

СИЗ БЎЛГАНИНГИЗДА...

ОНАЖОН! Мен ўғлингиз Одилжон бўламан. Ҳар куни Сизнинг тирик руҳингиз олдида саждалар қиламан. Сиз билан ғойибона суҳбатлашаман. Ёшим улғайгани, йигитлигим ўтавергани, умрим дорилфанога ими-жимда оқиб кетавергани сари сиз тўғрингизда ўйлайдиган, ўтган кунларимни хотирлайдиган бўлиб қолдим. Сиз бўлганингизда, балки, сочларим ҳам оқармаган бўлармиди?! Тўққиз яшарлигимда, учинчи синфда ўқиётганимда. Сиз бандаликни бажо келтирдингиз. Меҳрингизга тўймадим. Ўта чанқоқлик ўз ишини қилаяпти. Сизни мангу қўмсаб ўтарман. Онани қўмсашчалик қўмсаш, орзиқиш, соғиниш бўлмаса керак бу дунёю, у дунёда. Сиз бўлганингизда менинг юрагим бунчалар орзиқмаган, кўнглим бунчалар хўрсинмаган бўларди!

Сиздан жудо бўлган кундан бошлабоқ, менинг тинчим бузилди. Ҳаловатим йўқолди. Болалигим дарз кетди. Ўқишларим ўлда-жўлда қолабошлади. Ана шунда Сизнинг қадр-қимматингизни илк бор туйганман. Ота билан она орасида осмон билан ерчалик фарқ борлигини ўшандаёқ ҳис этганман. Энди билсам, Сиз осмон экансиз. Мен эса Сиздаги юлдуз эдим. Сиз қулаб тушдингизу, мен ҳам гўё оқиб тушгандек бўлдим. Сизнинг бағрингиздан отамнинг ёки ернинг бағрига отилиб тушдиму, лекин сиғмадим. Кўп ўтмасданоқ отам бир аёлга уйланиб олди. Шу тариқа мен отамнинг назаридан, эътиборидан четда қолабошладим.

Сиз бўлганингизда мен «тирик етимча» бўлмаган бўлардим. Ўгай онам мени жирканч сўзлар билан сийларди. Ўртоқларим эса:

«Ўгай онанг бўлмасин бола.

Мангу чекиб ўтарсан нола»,деб мазах қилишарди. Мен эса хўрлигим келиб, овлоқ-овлоқларда гўё баҳор булути сингари ич-ичимдан юм-юм йиғлаб-йиғлаб олардим. Ўша кунларни эсласам, бутун вужудимни титроқ тиконлари босиб кетади. Сиз бўлганингизда бундай кўйларга тушмаган, дунёга келганимга минг пушаймон бўлмаган бўлардим.

Ўгай онам уйга сиғдирмади. Турсам сўпоқ, ўтирсам ўпоқ дея ҳоли — жонимга қўймасди. Азобланаётганлигимни кўрган, сезган тоғам мени ўз қарамоғига олди. Кийдирди, едирди. Ғамхўрлик қилди. Тарбиялади. Ўқитди. Орадан йиллар ўтди. Мен улғайдим. Бухорода ўқиб, доришунослик касбини эгаллаб қайтдим. Отам билан ўгай онамни ён тортиб, тўппа-тўғри ўзимизнинг уйга келдим. Байрам арафаси эди. Мен уларни инсофга келиб қолишгандир, деб ўйлаган эдим. Лекин чучварани хом санаган эканман. Улар мени совуққина кутиб олишди. Лекин мен билдирмадим. Ўзимни ранжимаганга солдим. Сиз бўлганингизда бошингиз осмонга етарди, Онажон! Шундайми?! «Худди шундай, болажоним, — дейди тирик ва улуғ руҳиятингиз, онажон.— Бормисан, болажоним, қоқиндиғим. Ў-ҳў, катта йигит бўлиб кетибсан-ку, а. Бўйинг ҳам ўсибди. Эр етибсан, айланай. Кел, сени жуда-жуда соғиндим. Кўришмаганимизга ҳам ўн йил бўлибди. Сен ўн тўққизга кирибсан. Сени кўрибоқ қайта тирилиб кетдим, болагинам. Иккинчи умримни бошладим. Энди мен сира-сира ўлмайман. Сенинг юрагингда абадулабад яшайман...»

Ҳа, онажон, Сиз менинг юрагимда мангу барҳаётсиз. Сиз ўлмадингиз, ўлмагансиз, ўлмайсиз. Сизнинг умрингизни мен давом эттиряпман. Сиз бўлганингизда менинг бу фикрларимга аниқ ишонардингиз. Ўтган йиллар мобайнида бошимдан не-не кулфатлар, кўргуликлар, унутилмас воқеалар ўтмади дейсиз. Агар уларни оқизмайтомизмай ҳикоя қилсам ўнта китоб бўлади. Сўйлаб тугатиб бўлмайди. Айтсам, тилим, айтмасам дилим жазжаз қоврилади, куяди. Айтмасам, тоғ каби оғирлашиб кетаман. Айтсам, қушдай енгил тортаман. Келинг, яхшиси уч-тўртта саргузаштларимни ғойибона бўлсада, Сизга айтиб бераколай, онажон. Ҳа, дарвоқе, уйимизга ўзимча келганим йўқ. Уйдагилар хат орқали чақириб олишди. Келишим биланоқ отам луқма ташлади:

— Уйланасан!

— Ҳали уйланмайман, дада.

— Нега?

— Ҳали ишим кўп. Армияга боришим керак. Уч-тўрт йил ишлашим керак. Пул топишим керак. Қолаверса турмушнинг нима эканлигини ҳам унча маънисига етмайман. Бунинг устига танимаган, нотаниш қизга уйланаолмайман. Айтишган-ку, «Синамаган отнинг сиртидан ўтма» деб.

— Ў-ҳў, сўзамол бўлиб кетибдиларми, тағин?— орага кесатиқдан иборат луқма отди ўгай онам.— Биз келишиб қўйганмиз қизнинг отаонаси билан. Қизнинг ўзи ҳам рози бўлган.

— Қандай қилиб? Мен уни, у мени кўрмасдан-а. Ахир бу хуфиёна иш битириш-ку, дада? Йўқ, мен уйланмайман.

— Йўқ, уйланасан, гап тамом. Биз қалин ҳам бериб қўйганмиз. Энди шарманда бўлишни истамайман. Паспортинг қани, буёққа бер!

— Қолиб кетган. Қолаверса, ҳали ўқишим тугагани йўқ.

— Бер деяпман. Одамни алдама.

— Алдаганим йўқ, дада. Гапнинг рости қолдириб келганман. Эртадан кейин ўқишга жўнаб кетишим керак.

— Дард, қолиб кетган. Олиб келсанг ўлармидинг. Мана, сенга.— Отам юзимга бир шапалоқ тортиб юборди. Юзимнинг ўти чиқиб кетгандай бўлди. Лекин лом-мим демадим. Гап қайтариш бефойда эди. Чунки, отам ўта ўжар, ўта бир сўзли одам. Айтганини қиладиган шахс. Ота-оналаримни шундай бўлса-да, ҳурмат қиламан. Шунинг учун уларнинг юзларига оёқ қўймадим. Шунинг учун ушбу ҳикоямда уларнинг исмишарифларини келтириб ўтирмадим. Эртаси куниёқ мени уйлантиришди. Худога шукур, ҳозир бирга яшаяпмиз. Уч-тўртта фарзандимиз ҳам бор, онажон. Агар Сиз бўлганингизда олам-олам қувончга тўлган бўлардингиз, онажон! Агар Сиз бўлганингизда дадам менинг юзларимга шапалоқ туширмаган, ўгай онам заҳрини чаёндек сочмаган бўларди!

Онажон! Етимлик ёмон экан. Буни мен кўп марта синадим. Кунлардан бирида бир тенгдошим, тўғриси қариндошимизникига бордим. Меҳмондорчилик бўлаётган эди. Мендан ёши кичиклар ҳам тўрга ўтиб ўтиришга ҳаракат қилар, меҳмонларга кўрпача солинар эди.

— Одил, сен ҳам бизникига биринчи бор келишинг. Бунинг устига меҳмонсан. Тўрга ўтиб ўтир,— деди уй эгаси бўлмиш тенгдошим.

— Ҳе, буни қўявер, ҳали тўрга ўтиб ўтиришга ёшлик қилади, сағира,— деб гап отди ўтирганлардан бири.— Тўрга ўтиб ўтиришни ким қўйибди бу ялангоёққа.

— Оғзингга қараб гапир, — шартта бўғзидан бўғиб олдим.— Нима деб валдираяпсан. Бўлсанг, раиснинг ўғли бўлибсан-да, авлиёнинг ўғлимисан.

— Тўғрида,— гапга аралашди яна ўтирганлардан бири, «ўзингни эр билсанг, ўзгани шер бил» деганлар донолар. Шундай экан бировни ҳақоратомуз сўзлар билан бадном қилиш, уялтириш гуноҳи азимдир,— раиснинг ўғлига ўгирилиб дашном берарди у.— Қолаверса, у сендан бир-икки кўйлакни ортиқ йиртган. Ўрнингдан туриб жой беришинг керак, хумпар.

— Қолаверса, ўз отаси, ўгай бўлса ҳам онаси бор. Сағир дейишга ҳаққинг йўқ, айниқса, кўпчиликнинг ўртасида.

Сиз бўлганингизда шунақа совуқ гап-сўзларни, балки, эшитмасмидим, онажон?! Ҳозир қишлоқ дорихонасида ишлаяпман. Ҳамма нарса етарлик. Фақат сиз етишмайсиз менга. Назаримда ҳеч бир аёл, ҳеч бир она сизга ўхшамайди. Сиз мен учун Биби-Марямсиз, Момо-ҳавосиз, Ойша онасиз. Сизни таърифлашга тил ожиз, қалам ўтмас, сўз етишмас. Кўпдан буён хотирангизни оққа туширсам, менинг ҳам Сиздек онам борлигини одамлар билиб қўйишсин деган орзу билан яшайман. Лекин бирор нарса ёзиш маҳоратсиз, истеъдодсиз одамга ҳайкал қуришдек мушкул ва азоб экан. Қишлоқда бир мухбир бор. Яқинда ўшаникига бордим. Сизнинг ҳақингизда бир нарса ёзишни, матбуотда эълон қилдиришни илтимос қилдим. Лекин у ҳадеганда ёзавермади. Билмадим, вақти бўлмадими, қунт қилмадими ёки кимдандир истиҳола қилдими, билмадим. Ўғлингиз ёзувчи эмас. Шундай бўлса-да, ўзимни бир марта синаб кўрмоқчи бўлиб қўлимга қалам олдим. Бу илк уринишим. Сиз бўлганингизда бу нарсани ёзиб ўтиришга ҳожат ҳам бўлмас эди, онажон!

Одилжоннинг кечмиш-кечирмишларини оққа кўчирувчи:

ҲАСАН ОТА.

ХАЛҚАРО ИЛМИЙ АНЖУМАН

БЕРУНИЙ номли Шарқшунослик илмий-тадқиқот институти кўпгина нуфузли илмий йиғилишларда қатнашиб келмоқда. Эндиликда илмий муассаса бундай халқаро анжуманлардан бирига катта тайёргарлик кўрмоқда.

Ҳазрат Баҳовуддин Нақшбандийнинг 675 йиллигига бағишланган илмий маърузалар тайёрлашга киришилди. Ана шу йирик маърифий тадбир олдидан таниқли шарқшунос олим О. Усмоновнинг «Нақшбандий таълимоти ва унинг аҳамияти» деб номланган йирик монографияси китоб ҳолида чоп этилади.

С. ОДИЛОВА.

• ЛУҚМА •

БЕКОР ТУРГАН ТАКСИДАН НЕ ФОЙДА?

Тошкентнинг серқатнов кўчаларида йўловчилар эрталаб ишга кетолмай, кечқурун уйларига етолмай, гаранг бўлишяпти. Баъзан увадаси чиққан автобуслар-у ичидан тутун бурқсиб турган трамвайларгача йўловчиларни манзилига олиб бориб қўйишга ожиз. Кийимлари тугмаларидан ажраб қолишни хоҳламаганлар бекатларда бўшроқ транспорт келишини кутиб вақтларини бекор ўтказаётганини кўриб ачинасан, киши. Аммо бу билан ҳеч кимнинг иши йўқ.

... Олой бозори бекатида ҳар куни содир бўлаётган манзара кишини таажжубга солади. Йўловчи кўплигидан тарс ёрилай деб турган Икарус қийшайиб келиб тўхтайди. Машина кутиб турган йўловчилар ўзларини автобусга уришади.

— Кира ҳақи икки сўм бўлгани майли-я, автобуслар сони тобора камайиб кетяпти, — деб нолийди йўловчи отахон.

— Ҳой, биродарлар, эшикни қўйиб юборинг, ёпиб олай, — фиғони чиқади ҳайдовчининг.

Тошкентдек шаҳри азимда одат бўлиб қолган бу манзарага лол қоласизу, йўл четида турна қатор бўлиб турган такси автомашиналари диққатингизни тортади. Ажойиб манзара: бир томонда ур-йиқит бўлса-ю, иккинчи томонда йўловчилар оғирини енгил қилиши мумкин бўлган ўндан ортиқ транспорт воситаси бўш турса.

Машинасини қантариб қўйиб, сигарет чекиб турган 5-таксопарк ҳайдовчиси Ваҳобжон ака Раҳмонбердиев билан суҳбатлашдик.

— Эй, оковси, бекор тургунча бекор ишла, деган мақол бизга келганда ўтмай қолди. Салкам бир соатдан бери қоққан қозиқдек турибмиз. Мижоз йўқ. Ўтириши билан 16 сўм урадиган машинага чиқадиган бойваччалар камайиб кетяпти. Илгаригидек мижоз қидириб бўлмайди, бензин бекор сарфланиб, коэффициентга таъсир этади. Режа отнинг калласидек — 8 соатга 2600 сўм. Аранг 1400—1500 сўмга етяпти.

— Бир кунда 14 соат ишлаб, 4300 сўм топширишим керак, — дейди шу таксопарк ҳайдовчиси Ўлмас Ҳайдаров. — Аммо 2500—2600 сўмга аранг етмоқда. Счётчиклар ҳамон эски тариф билан ишлайди, ўн сўм кўрсатса, 400 сўм олишим керак. Шунча пул тўлаб манзилига борадиган азамат қани? Шунақа гаплар...

Қантариб қўйилган таксилардан Тошкент шаҳар йўловчилар ташиш ишлаб чиқариш бирлашмаси қандай фойда кўраётганикин!

П. НИШОНОВ, ЎзА мухбири.

ОЛИЙ ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИДА

ТАЛАБАЛАРДА МУСТАҚИЛЛИК КЎНИКМАСИ

БУГУНГИ кунда олий ўқув юртларида талабаларнинг мустақил фикрлаш ва ижодкорлиги масаласи асосий масалалардан бирига айланган. Бу борада Тошкент Давлат педагогика институтида ҳам қатор ибратли тадбирлар амалга оширилмоқда.

Олий ўқув юртида «Энг яхши маърузачи» унвонининг ташкил этилиши талабалар ўртасида катта қизиқиш уйғотди. Бўлажак педагогларнинг дарс беришларида, жойларда таълим ва тарбиявий мавзуларда суҳбатлар уюштиришида уларнинг нутқ маданияти ва суҳбат мавзуи ҳам муҳим аҳамиятга эга.

Шу масала билан боғлиқ маърифий тадбирлар ҳам режали асосда йўлга қўйилмоқда. Талабалар орасида ташаббускорлик ва билимдонликни рағбатлантириш мақсадида турли фанлар бўйича танловлар ўтказила бошлади. «Энг яхши математик», «Энг яхши физик», «Энг яхши адабиётчи», «Энг яхши тарихчи» сингари танловлар давомида кўпгина билимдон талабалар ғолиб деб топилди.

А. АЛИЕВ.

Муҳаррир Н. НАСИМОВ.

• ҚАТРАЛАР •

ТУНДА

— ЭНДИ табрик учун сўз навбатини куёвнинг тоғаси Абдумажид акамларга бераміз.

Тўйхона омборидан шошиб чиқиб келган жувон базмни олиб бораётган йигитга аста деди:

— Абдумажид акангиз ўртага чиқиб сўз айтоладиган бўлганларида бир иложини қилиб уйга олиб кетган бўлардим, буёғига уэр, ранс укам.

БОЗОРГА БОРИШИМ КЕРАК

ЯРИМ кечада маст ҳолда кириб келган эрига хотин деди:

— Бу нимаси, а? Эрталаб бозорга кетган одам ярим кечада қуп-қуруқ келса-я, ҳа бозорлик қани, уйда болаларим кутиб ўтирибди, деб ўйламайсиз-а?!

— Намунча куйинасан, хотин, ахир тушунсанг-чи, қаерга кетаётганим эсимдан чиқиб қолиб, сўрагани келдим, ҳозир кетаман. Демак, бозорга юборгандинг-а?..

ТУНДА

ЙЎЛДА адашиб қолган маст киши дуч келган биринчи эшикни тақиллатди. Ичкаридан аёл киши чиқиб, эшикни очди.

— Кечирасиз, бу менинг уйим эмасми?

— Йўқ, адашибсиз,— дея аёл эшикни беркитмоқчи бўлди.

— Э-э-э, тўхтанг, мабодо сиз менинг хотиним эмасмисиз?

— Эсингиз жойидами, кечаси уйқуни бузганингиз етмагандай яна алжирайсиз, хурмачангизга сиққанича ичсангиз бўлмайдими?!

— Бақирманг, мен тўғриликча сўраяпман, агар хотиним бўлсангиз уйга олиб кетмоқчиман, мен маст эмасман, бошқа бировнинг уйи эканлигини билиб турибман, ҳи-и-иқ!

Салоҳиддин СИРОЖИДДИНОВ.

Янгийўл шаҳрида жойлашган ЎзМЭИ тажриба заводи жамоаси бош муҳандис Миржамил Турғунбоевга волидаи муҳтарамаси

Хосият ая МИРХОМУДОВАнинг

вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

• ЭЪЛОН •

ЗАЁМ ОБЛИГАЦИЯЛАРИНИ СОТИБ ОЛИШГА ШОШИЛИНГ!

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ 1992 ЙИЛГИ 12 ФОИЗЛИ ИЧКИ ЮТУҚЛИ ЗАЁМИНИНГ БИРИНЧИ ТИРАЖИДА ОМАД КУЛИБ БОҚҚАН 250000 СЎМЛИК БОШ ЮТУҚ ЭГАЛАРИНИ ВА БАРЧА ЮТУҚЛИ ЗАЁМ ЭГАЛАРИНИ ТАБРИКЛАЙМИЗ!

НАВБАТДАГИ ТИРАЖ 30 ДЕКАБРДА ТОШКЕНТ ШАҲРИДА ЎТКАЗИЛАДИ. ЗАЁМ ОБЛИГАЦИЯЛАРИНИ СОТИБ ОЛИШГА ШОШИЛИНГ! БОШ ЮТУҚ СИЗГА НАСИБ ЭТИШИ МУМКИН.

ЗАЁМ ОБЛИГАЦИЯЛАРИ ЖАМҒАРМА БАНКИ, АГРОСАНОАТ БАНКИ, САНОАТ-ҚУРИЛИШ БАНКИ МУАССАСАЛАРИДА ЭРКИН СОТИЛМОҚДА ВА СОТИБ ОЛИНМОҚДА. СИЗ 12 ФОИЗЛИ ЗАЁМ СОТИБ ОЛИШ БИЛАН РЕСПУБЛИКАМИЗ МУСТАҚИЛЛИГИНИ МУСТАҲКАМЛАШГА ЎЗ ҲИССАНГИЗНИ ҚЎШАСИЗ.

ОМАД ЁР БЎЛСИН!

Тошкент вилоят Жамғарма банки бошқармаси.

Тошкент ҳақиқати

МУАССИСЛАР: ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ВИЛОЯТ КЕНГАШИ ВА «ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ» ЖУРНАЛИСТЛАР ЖАМОАСИ.

БИЗНИНГ МАНЗИЛГОҲ: 700000 ТОШКЕНТ, ГСП ЛЕНИНГРАД КУЧАСИ, 32.

Телефонлар:

ХАТЛАР ВА ОММАВИЙ ИШЛАР БЎЛИМИ — 33-40-48.
АХБОРОТ, ТИЖОРАТ ВА ЭЪЛОНЛАР БЎЛИМИ — 33-99-15.

Ўзбекистон Республикаси «Шарқ» нашриёт-матбаачилик концернининг босмахонаси. 700000, Тошкент, ГСП, Ленинград кўчаси, 32-уй. Газета офсет усулида А—2 форматида босилади. 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12.

Нашр кўрсаткичи: Г-516. Индекс: 64672. Босишга топшириш вақти — 20.30. Босишга топширилди — 19.00 31730 нусха босилади.